# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

41 (935) сон
1 — 7 октябрь 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz


2



«ЭНГ ЯХШИ **КИТОБХОН** ОИЛА» **АНИҚЛАНДИ**

БОЛА НЕГА **ЙИҒЛАЙДИ?**



13

14



**ИЙМОНДАН АЙРИЛМАНГ**

**ТОМОШАДАГИ «ТОМОША»ЛАР**

*ёки қачон ҳақиқий мухлис бўла оламиз?*

24



***... таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.***

(Президентимиз Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригидан)











## КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриги ҳамда умумхалқ байрами — "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"-ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

→ Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда шунингдек, "2009 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолибларига ҳам эсдалик совғалари топширилди.

## БУГУН:

→ Тошкентдаги "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё ва Осиё кубоги мусобақалари(унда қитъамизнинг 20 та давлатидан икки юзга яқин спортчилар қатнашмоқда)бугун якунланади.

## ЭРТАГА:

→ Футбол бўйича Мисрда бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида омади чопмаётган ҳамюртларимиз(Гана терма жамоасига 2:1, уругвайликларга эса 3:0 ҳисобида ютқазиб қўйишди)нинг сафари эртага англияликлар билан бўладиган ўйиндан сўнг ё қарийди, ёки...

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Тиббий кўрикка келмайдиган аёллар кейин пушаймон бўлмайдими? 3

Света опа ва унинг 118 нафар фарзанди ҳақида... 4

Бола мактабга байрамга отлангандек бормоғи керак! 6

Теледастурлар 8–10

Асл йигит шафқат сўрармиди? 11

Ким исмидан норизо бўлса... 12

Қашқадарёлик «Тангем» бедаво дардга даво топди 13

Бекободлик полвон ҳиммати 17

«Ўғлим «ўзбечка»га уйланди!» 22



## "ОБУНА — 2010"

**ИНДЕКС:**

Якка обуначиларга – 176

Ташкилотларга – 177





# «ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН ОИЛА» АНИҚЛАНДИ

✓ КЎРИК-ТАНЛОВ

**Ҳозир "яхши бир китоб ўқидим", десангиз ажабланадиган ва "техника, ахборот асри-ку, ортда қолиб нима қиласиз? Ахир, исталган нарсани интернетдан ўқиса бўлади", деб йўл-йўриқ кўрсатадиганлар ҳам бор. Лекин инсонга китобчалик яқин дўст, сирдош ҳамфикр бўлмоққа қодир куч ҳали "кашф" этилмаган, десак, ишонарсиз.**



Кайковус ўз "Қобуснома"сида: " Мол ила бой бўлгандан кўра, ақл ила бой бўлган яхшироқдир" — деб ёзади. Бу ҳам бежиз эмас. Шу маънода Халқ таълими вазирлиги, республика Болалар кутубхонаси, "Болалар" жамғармаси ҳамда "Оила ва жамият" газетаси ҳамкорлигида "Энг яхши китобхон оила" кўрик-танловининг ўтказилиши хайрли иш бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан юзлаб оилалар қатнашди. Яқинда бу ўзига хос синовнинг якуни пойтахтимизда ниҳоясига етди. Тўртта асосий шарт бўйича синовдан ўтган оилалар орасидан ғолибларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун осон кечмади. Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. 1-ўрин (компьютер) Абдуллаевлар (Фарғона вилояти), 2-ўрин (телевизор) Абдурасуловлар (Навоий вилояти), 3-ўринга эса (чангютгич) Турдиевлар (Тошкент шаҳри) лойиқ деб топилди. Рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

**Наргиза АБДУЛЛАЕВА Қўқон давлат педагогика институти талабаси:**

— Севимли адибимиз Тоҳир Малик "Китобни уч хил ўқиш мумкин: шунчаки кўз югуртириб ўқиш, мағзини чақиб ўқиш, учинчи тоифадагилар сатрлар орасидаги мағизни чақиб ўқишади", деб ёзганида минг бора ҳақдир. Ўзимни ана шу учинчи тоифадагилар сафига қўшгим келади. Чунки ҳар бир бадиий асарни ўқиганим сари унинг ичига чуқурроқ кириб бораверaман.

**Нодирахон НОСИРОВА ўқитувчи (Фарғона вилояти):**

— Тан олайлик, китоб берадиган маънавий озиқ завқни ҳеч қайси кино ё телевидение бера олмайди. Шундай пайтда бунақа кўрик-танловларнинг ўтказилиши қувонарли ҳол.

**Гулҳаё АБДУРАСУЛОВА 9-синф ўқувчиси, Навоий вилояти:**

— Ўн ёшимда онам Ойбекнинг "Болалик" романини совға қилганлар. Шундан буён китобга меҳрим тушган. Китоб инсоннинг дунёқараши, фикрлашини ўстиради. Тенгдошларим ҳам кўпроқ китоб ўқишсин дейман. Одам ҳаётида учрайдиган ҳар қандай тўсиқ, ғовларни китоб ўқиб, билим олгани туфайли осонгина енга олади.

**Малоҳат АБДУРАСУЛОВА уй бекаси:**

— Ўзим адабиётни севганим учунми, болаларимни ҳам китобга меҳрли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдим. Бўш вақт топдимми, китоб ўқийман, гоҳо шеърлар ҳам машқ қилиб тураман.

**Дилафрўз ТУРДИЕВА 255-мактаб ўқувчиси (Тошкент шаҳри):**

— Мени китобга опам Ширин қизиқтирган. У кутубхонадан турли бадиий адабиётларни олиб келиб ўқирди. Мен билан ўйнашга, гаплашиб ўтиришга вақти бўлмасди. Ким билан ўйнашни билмай сиқилиб кетганимда, мен ҳам опамнинг китобларини варақлай бошладим. Шу-шу китоб ўқиш севимли машғулотларимдан бирига айланди.

**Шаҳноза РОФИЕВА**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

# ТИББИЙ КЎРИК
## *соғлом турмуш асосидир*

✓ БАХТ ОСТОНАСИ

Бир йигит тўйи бўлишидан аввал ФҲДЁ бўлимимизга келиб «биз тиббий кўрикдан ўтишимиз шарт эмас, вақтимиз жуда тиғиз, бувимиз бетоб эди. Тўйимизни кўрсин деб буёғини тезлаштириб юбордик. Бир иложини қилиб маълумотномани тўғрилаб берақолинг» деди. Биз эса, агар ёшлар тиббий кўрикдан ўтмаса никоҳга рухсат бера олмаслигимизни, бу жараён мажбурий эканлигини тушунтирганимиздан кейингина келин-куёв бунга рози бўлишди. Йигит соппа-соғ экану, лекин қизнинг юрагида хасталиги бўлиб, унга фарзанд кўриш мумкин эмас экан. Биз дарҳол икки ёшнинг ота-онасини чақириб, уларга вазиятни таҳлил қилиб бердик. Ҳар икки томон ҳам бир-бирини тушунган ҳолда муросага келишди...

Биз оилани муқаддас қўрғонга тенглаштирамиз. Уни асраш, баркамол фарзандларни вояга етказиш шу оила соҳиблари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар қанчалик кенг феълли, маънавиятли ва шу билан бирга ҳуқуқий тафаккурга эга бўлсалар, қўрғон деворлари шунчалик мустаҳкамланади. Ахир инсоннинг жамиятдаги ўрни оиладаги тинчлик -тотувлик билан белгиланади.

Бугун давлатимиз ўз олдига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдек улкан вазифани қўйган. Шу боис Бош қомусимизнинг 14-боби 63- моддасида **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади»** дейилган. Оила тўғрисидаги бундай қонун ҳужжатларининг бош мақсади оилани мустаҳкамлашдан, улар ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишларига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини ҳеч бир монеликсиз амалга оширишини, ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида»ги Низомга мувофиқ, ҳар бир йигит-қиз никоҳдан ўтишларидан олдин белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтадилар. Натижалар ҳақида тиббий муассаса берган хулоса асосида соғликлари билан танишгач, уларнинг розиликлари асосида никоҳ ФҲДЁ органларида рўйхатдан ўтказилади. Бу эса ҳар икки томонга ҳам жиддий масъулият юклайди. Чунки тиббий кўрикдан ўтаётган ёшларда руҳий ёки ҳар хил юқумли касалликларнинг бор-йўқлигини аниқлаш, нафақат носоғлом оиланинг вужудга келишининг олдини олади, балки наслдан наслга ўтувчи касалликларнинг кўпайишини ҳам бартараф этади.

Туманимиз ФҲДЁ бўлимида рўйхатга олинган никоҳларни таҳлил қилганимизда ўтган йил давомида 1379 та никоҳнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, қайд қилингани аниқланди. Ўтган йиллар билан таққослаганимизда жорий йилнинг уч ойи мобайнида қайд этилган никоҳлар орасида турмуш қураётганлардан биронта касаллик аниқланмади. Демак, бундан кўриниб турибдики, халқимиз тиббий кўрикнинг аҳамияти ва афзалликларини йилдан йилга тушуниб бормоқда. Зеро, ота-она соғлом бўлсагина, улардан соғлом фарзанд дунёга келади.

**Зухрахон ЭРМАТОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Данғара тумани ФҲДЁ**
**бўлими мудираси.**

**Тузатиш:** Газетамизнинг 40-сонида эълон қилинган «Уй бекаси — спортчи» мақоласидаги «Хоразм вилоятининг спортчи хотин-қизлари 3-ўрин соҳибалари бўлишди», деган жумладаги «Хоразм» сўзи «Қашқадарё» деб тузатиб ўқилсин.




# ҲАММА БЎЛСА САЛОМАТ...

Тасаввур қилинг, оиламизда бир киши, у каттами, кичикми, барибир, сал тоби қочса, ҳаммамизнинг кайфиятимиз тушиб кетади. Қандай қилиб бўлса-да, унга ёрдам бергимиз келади. Шу маънода мамлакатимиз миқёсида "Соғлом она — соғлом бола" Дастури асосида олиб борилаётган турли тадбир ва амалий ишлар таҳсинга лойиқ.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Наврўз" никоҳ уйида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ташаббуси билан "Соғлом она, соғлом бола — миллат гарови" деб номланган мавзуда ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президентининг шу йил 1 июлдаги "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ФҲДЁ органлари томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Семинарда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлими, ФҲДЁ бўлимлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

# МЎЪЖИЗА ЯРАТАР АЁЛ ҚЎЛЛАРИ

Наманган олимпия заҳиралари спорт коллежида вилоятдаги фермер, тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қизлари томонидан тайёрланган турли маҳсулотлар асосида ташкил этилган кўргазма бўлиб ўтди. "Тадбиркор аёл маҳсулотлари — 2009" деб номланган ушбу ажойиб тадбирда азалдан "қўли гул" дея таърифланган водий аёлларининг ўзига хос энг сара ижод намуналари намойиш этилди. Кўргазма баҳонасида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, савдо соҳаси вакиллари билан истиқболли шартномалар ҳам имзоланди.

Тўрақўрғондаги "Султон" кўп тармоқли кичик корхонасининг мевани қайта ишлаш цехи, "Чорток имкон файз" МЧЖнинг 18 турдаги тикув маҳсулотлари, Наманган туманидаги Ҳалимахон Жўраеванинг зардўзлик, каштачилик намуналари кўпчиликка манзур бўлди. Кўргазмада вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сапия Раҳимова иштирок этди.

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Наманган вилояти.**

# ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган "Саломатлик" спартакиадаси шундай номланган эди. Спортнинг мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, дартс турлари ҳамда "Алпомиш ва Барчиной" кўпкураши тестлари бўйича ўтказилган беллашувларда 13 та тармоқ касаба уюшмаларининг бир ярим мингдан ортиқ аъзолари фаол қатнашдилар.

Яқинда эса мазкур спартакиаданинг ҳал қилувчи босқичи ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. Автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмасининг "Автомобилчи" жамоасидан Каримовлар оиласи фахрли биринчи ўринни эгаллади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг "Шифокор" жамоаси вакили иккинчи, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси аъзоси эса учинчи ўринларга сазовор бўлиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Козим ЎЛМАСОВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

***Ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,***
***Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...***

Дарҳақиқат, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари лутф этганлари каби ўқитувчи-муаллим меҳнати, улар қадр-қимматини ҳар қанча таърифласак ҳам кам.




## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

***Мамлакатимизнинг турли бурчакларида ўз шарафли вазифаларини ҳалол адо этаётган барча устоз-мураббийларни қутлуғ байрамлари муносабати билан чин дилдан табриклайди!***

**Оилангизга тинчлик ва тотувлик, умрингизга барака тилаймиз, муҳтарам устозлар!**

***БИЗНИНГ СУҲБАТ***

# БУГУН — ЭРТАНГИ КУН УЧУН ИШЛАЯПМИЗ

Аёл — дунёнинг зийнати. Чунки у яратувчи зот. Наслни давом эттирувчи мўътабар инсон. Оила салтанатини шу азизу мукаррам аёл тўлдириб туради. Оналар соғлом бўлса, улардан дунёга келадиган фарзанд ҳам баркамол бўлади. Шу боис ҳам республикамизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эса бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида ҳам ўз аксини топган.

**Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигорахон ЯКУБОВА билан суҳбатимиз ушбу долзарб масалалар хусусида бўлди.**



— Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби бизнинг вилоятимизда ҳам оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданият даражасини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Ушбу муҳим ҳужжатларда аниқ ва ойдин тарзда белгилаб берилган жиддий вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаган ҳолда кенг жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Шу пайтга қадар турли соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳ томонидан 750 та маҳаллада очиқ мулоқотлар, савол-жавоб кечалари, суҳбатлар уюштирилди.

**— Албатта, оила ва никоҳ масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келган. Шу ўринда катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган никоҳланувчи ёшларнинг тиббий ва ҳуқуқий билимларини ошириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Туманлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда ФҲДЁ бўлимлари қошида "Оила дорилфунуни", касб-ҳунар коллежларида "Ёш оила мактаби» фаолияти йўлга қўйилган. Машғулотларга соғлиқни сақлаш, диний идоралар, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари тўлиқ жалб этилмоқда. Шу йилнинг саккиз ойи давомида 620дан зиёд ўқув машғулотлари ўтказилди. Дорилфунунлар фаолиятига кўмак бериш мақсадида "Оила" илмий –амалий маркази ҳамкорлигида "Оила дорилфунуни" қўлланмаси яратилди.

Репродуктив саломатликни тарғиб қилиш асносида хонадонларга бориб, юртдошларимизни тиббий кўрикларга жалб этаяпмиз, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ўрганиб бориш юзасидан соғлиқни сақлаш ва тарғибот йўналишлари бўйича штаблар фаолият олиб боряпти.

**— Маълум бўлишича, тиббий кўрикдан ўтказилаётган хотин-қизлар ўртасида экстрагенитал касалликлар кўп учраётган экан. Уларни даволаш қандай амалга оширилади?**

— Вилоят хотин-қизлар қўмитаси Андижон давлат тиббиёт институти билан бевосита ҳамкорликда Андижон, Избоскан туманларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ўрганиб чиқилди. Юзма-юз учрашувларда соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ муаммолар ҳамда хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилиши зарур масалалар, шу жумладан, қонуний никоҳ шартлари ва никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш турли хил экстрагенитал касалликларнинг олдини олиш аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Тиббиёт институтининг малакали мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқот-кўрик давомида 30907 нафар туғиш ёшидаги аёллар орасида 16 мингга яқини турли хасталиклар билан оғригани аниқланди.

Табиийки, рўйхатга олинганларнинг барчасига яқиндан тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланди. Шу ўринда савол туғилади: Хўш, кўрикка келиб, касали аниқ бўлганларни даволаш осон кечиши мумкиндир, лекин келмаганларчи? Имкони борича биз ана шу қатлам билан ҳам жиддий ишлашимиз кераклигини ҳис қилаяпмиз.

Албатта, бу борада ҳали қилиниши шарт бўлган ишларимиз ҳам кўп. Шу суҳбат баҳонасида яна бир оғриқли нуқта ҳақида гапирмасак бўлмас. Бу шаръий никоҳ асосида қурилган оилаларда пайдо бўлаётган айрим муаммолар билан боғлиқ. Яъни қонуний никоҳдан ўтиш ўрнига турли хил сабабларни рўкач қилиб, ҳам домлаларни, ҳам маҳалла-кўйни чалғитиб, Оила аталмиш муқаддас қўрғонга номуносиб тарзда иш кўриб, охир-оқибат куйиб қолаётган эр-хотинлар ҳам афсуски, учраб турибди. Ҳар қандай шароитда ҳам ноқонуний ишнинг барибир бир кун келиб миси чиқади. Ўртада ким овораи сарсон бўлади? Туғилган бегуноҳ фарзандлар ва... қудалар-да!

Шу боис турли хил масалалар, саволларга жавоб олиш мақсадида қўмитамиз ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида "Ишонч телефони" фаолият юритмоқда. Шу билан биргаликда вилоят хотин-қизларининг нашри бўлган "Андижоннома" ва "Андижанская правда" "Иқбол" газеталари орқали ҳам айнан мен юқорида алоҳида таъкидлаётган мавзулар бўйича қизиқарли чиқишлар уюштирилмоқда.

Суҳбатимиз муқаддимасида бевосита она ва бола саломатлигига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва рағбат хусусида, шунингдек, бу муҳим масала бўйича Андижон вилоятида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтдим. Булар денгиздан бир қатра, десам муболаға бўлмайди. Негаки, барча саъйи-ҳаракатлар «Соғлом она — соғлом бола» Дастури асосида олиб борилаётир. Ҳозирнинг ўзидаёқ аксарият аёллар энг аввало ўз ҳақ-ҳуқуқини, қолаверса, соғлиги, саломатлиги учун жиддий қайғуриш — масъулиятли бурчи эканлигини англаб етишаяпти. Лекин барибир бизнинг, яъни жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, фаолларининг зиммасида ҳали янада жиддийроқ вазифалар турибди. Бу борада бизга Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан аниқ режалар асосида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилиб берилган. Энг муҳими, ҳар биримиз шу Ватан, шу юрт фарзанди эканлигимиздан фахрланиб, бугунги қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатимиз эртанги нурли келажак учун замин ҳозирланишини англаб етсак, бас.

**Оила ва жамият" мухбири**
**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**
**суҳбатлашди .**

***ШУКУҲ***



## *ТЎЁНА*

*Тангри назар солган шу улуғ юртда,*
*Бугун яна шодлик, қўшалоқ байрам.*
*Жонсиз мавжудотлар ҳатто сукутда —*
*Тасаннолар айтар унга ушбу дам.*

*Мангулик сувига қонган Тошкентим,*
*Икки минг икки юз томирларингда —*
*Аждодларим руҳи ҳамроҳ, бош кентим,*
*Шоир кўнглим тоғу адирларингда...*

*Ушбу хуш айёмга бўлиб ҳамоҳанг,*
*Ўн саккизга пешвоз чиқди истиқлол.*
*Ўн саккиз минг оламга таратиб оҳанг,*
*Меҳригиёси мени чорлар этиб лол.*

*Ўзбегимга яна шодлик бўлди ёр,*
*Ғурурли кўкраги чўққидан юксак.*
*Юртимнинг мард, жасур ўғлонлари бор,*
*Бири қош-кўз бўлса, бириси тиргак.*

*Бошим ерга эгиб, таъзим айласам,*
*Қилчалик арзимас ўзбек элимга.*
*Бир кун шоир бўлсам, шу юртим учун,*
*Минглаб шеър битай деб тугдим дилимга.*

*Гарчи шоирлардек ёза олмадим,*
*Гарчи сўзларимга берилмаган зеб.*
*Бугунча қабул эт, ушбу шеъримни*
*Қўшалоқ айёмга бир тўёна, деб!*

**Ситора ТОШМАТОВА,**
**Бекобод шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи талабаси.**

## Бугун Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ҚОРАҚАЛПОҚ ТОМОНЛАРДА

# ҲАМ ОТАНГ ҲАМ ОНАНГДЕК УЛУҒ



* * *

**"Света опам келяпти!.."**

Беихтиёр қувониб ҳайқираётган қизалоқнинг овози зални тутиб кетади. Ва ҳамма баравагига қизча кўрсатган томонга қараб югуради. Болаларнинг бири қучиб, бири юз-кўзларидан ўпиб саломлашиб, сўрашаётган бу аёлга узоқ термулиб қоламиз. Опа ҳам тўрт томонини ўраб олган болакайларни бирма-бир суюб-эркалаб қўяди. Кейин секингина мураббийлар ҳузурига шошилади.

**Хўжайлидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Светлана СОН**нинг ҳар куни шундай бошланади. Аслида у ҳеч қаёққа кетмайди. Туну кун болалар ёнида бўлса-да, лекин одатдагидек, эрталаб ва кечқурун бир қур ҳамма жойни айланиб чиқади.

118 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган бу катта Оилани бошқариш ва турли ёшдаги болакайларнинг кўнглига йўл топиш осон эмас. Албатта, бу гўшага турли хил тақдир йўллари сабаб келганлар билан дардлашиш, уларнинг ҳар бирига меҳр кўрсатиш учун катта қалб, метин ирода керак. Света опа ўзида ана шундай мустаҳкам ва чексиз сабр-бардош топа олгани боис ҳам унинг бу даргоҳда бир кунгина кўринмай қолишини ҳеч ким тасаввур қила олмайди.

Ўзи ҳақидаги биронта ҳам саволимизга жавоб беришни истамаган бу мунис аёлнинг юраги ниҳоятда кенглигини у билан чин дилдан дардлашиб қолсангиз сезиб оласиз.

— Меҳрибонлик уйимизга шахсан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бениҳоя ғамхўрлик кўрсатаётганликлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги мутасадди идоралар томонидан берилаётган кўмакларни алоҳида эътироф этиш керак,— дейди Светлана Сон. — 2004 йилнинг ёзида бу ерда жуда катта реконструкция ишлари бошланган эди. Ғоят қисқа муддат ичида бутунлай бошқа шакл-шамойилга эга бўлган уйимизни ҳатто ўзимиз ҳам танимай қолдик. Ҳазилакам қурилиш ишлари олиб борилмади, бу айтишга осон. Лекин қанча меҳнат, қанча маблағ сарфланди. Бунинг учун ҳомий ташкилотлар ва қурувчиларга, халқимизга ҳар қанча раҳмат, тасанно айтсак арзийди.

Сал кам митти бир шаҳарчани эсга солгувчи бу масканда барча шароитлар бор. Ёпиқ турдаги катта бассейн, теннис корти, футбол, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи майдонлари, ўқиш ва дам олиш хоналари, кутубхона, тиббий пункт... Хуллас, ҳамма нарса муҳайё. Тарбияланувчиларнинг туғилган кунларини нишонлаш, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Лекин...

Хайрлашаётганимизда Меҳрибонлик уйи мураббийларидан бири беихтиёр айтган ушбу сўзлар аслида ҳар биримизнинг кўнглимизда бир тугун бўлиб қолди гўё: "Қанийди, бу ердаги ҳар бир ўғил-қизнинг ота-оналари ҳаёт бўлиб, ёки ажралиб кетмай, шугина болалари билан бирга, тинчгина яшаб юрсалар эди, мен минг бора ишламасамда рози эдим-а?.."

Ҳа, ҳаёт деганлари минг афсуски, сизу биз ўйлаганчалик сокин ёки текис эмас. Яратганга минг қатла шукрки, халқимизнинг меҳру муҳаббати чексиз. Ҳеч қачон кўнгли ярим, моддий ёки маънавий кўмакка муҳтождардан ўз ёрдамини аямайди. Шундай экан, биз ҳам юрагидаги бор меҳр-оқибатини Хўжайлидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи болаларига улашиб яшаётган бағри кенг Света опага ҳамкасб бўлган инсонларга таъзим қиламиз.

* * *



**Ўз исми жисмига муносиб бўлган Навбаҳор ҒОЙИПОВА ҳақида гап кетса, кўпчилик "менинг ўғил ё қизимнинг тарбиячиси. Қанийди ҳамма боғчаларда шундай меҳрибон аёллар ишласа?" дейишаркан. Бундай самимий эҳтиром албатта ҳар кимга ҳам айтилавермайди.**

Эндигина ўттиз уч сунбулани қаршилаган Навбаҳор Хўжайлидаги 27-сонли мактабгача тарбия масканида болажонларнинг меҳрибон устози. Ўзининг ўн йиллик қисқа, лекин тажрибага бой фаолияти давомида у болалар руҳиятини ўрганишдан эринмади. Билмаганларини малакали устозларидан сўради. Айниқса унга бу борада мазкур тарбия муассасаси мудираси, халқ таълими аълочиси Любов Юлдашева яқиндан ёрдам берди.

Навбаҳор Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда"Учинчи минг йилликнинг боласи" махсус амалиёти билан боғлиқ ҳаракатларда фаол қатнашиб келаётир. Шунинг учун ҳам у шу йилнинг баҳорида Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилган "Йил тарбиячиси" кўрик-танловида биринчи ва ёзда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ҳал қилувчи якуний босқичда эса фахрли учинчи ўринни эгаллаб, тажрибалари оммалаштиришга тавсия этилди.

— Айримлар "боғча тарбиячиларига осон, кундалик машғулотларни ўтказади, тамом" деб ўйлайди. Лекин уйида боласига бир кунгина қарашга оғринадиган аёллардан сўраб кўринг-чи, улар нима дейишаркин? Шунинг учун ўз гуруҳимда тарбияланаётган болаларнинг оиласига бориб, уларнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишаман, муҳитни ўрганаман. Бу ҳам бежиз эмас. Уйида тинч-тотувлик ҳукмрон бўлган хонадон фарзандлари одобли, босиқ ва очиқкўнгил бўлишади, аксинча, оиласида нотинчлик бўлган болалар бошқалар орасида бирдан сезилади, гапга кирмайди, қайсар. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи ҳеч қачон изланишдан тўхтамаслиги шарт! — дейди Навбаҳор ҒОЙИПОВА.

* * *

**Хўжайлидаги 64-сонли мактаб директори Орингул ҚУТИБОЕВАнинг дил изҳорлари:**

— Менинг мактабда иш бошлаганимга бу йил қирқ йил бўляпти. Энди, ўтган давраларни эсласам, туш кўраётганга ўхшайман. Ва ўша замонлардаги воқеаларни, мактаблардаги оғир аҳволни бугун болаларимга айтиб берсам, эртакка ўхшайди. Ана энди, бугунга қайтайлик: ишлайман, деган муаллим учун ҳамма шароит бор. Бутунлай янгича қиёфага эга бўлган мактаблар, замонавий компьютерлар, интернет дейсизми, ҳамма нарса етарли. Давлатимиз шунча имкониятларни яратиб берганидан сўнг биз — ўқитувчилар ҳам шунга яраша ишлашимиз керак-да!

Энди муболағасиз айтсам бўлади, ўзим ўқитувчилар оиласидан бўлганим учун фахрланаман. Негаки, укам ҳам мураббий, Кегайлидаги 8-сонли мактабда директор ўринбосари. Раҳматли умр йўлдошим Тожибой Машарипов ҳам коллежда ишлаган эди. Фарзандларимдан уч қизим, бир ўғлим ҳам шу соҳада хизмат қилишяпти.

**Шу боис ҳар йили 1 октябрни бугун оиламиз билан интиқ кутамиз. Шу куни ҳовлимизда байрам бўлиб кетади. Бир томондан ўзимнинг шогирдларим даврани тўлдирса, иккинчи ёқда уйимиздаги мураббийларнинг ўзи ҳам бир катта жамоа.**

Фурсатдан фойдаланиб, севимли газетамиз орқали юртимиздаги барча устоз ва мураббийларни кутлуғ байрамлари билан чин кўнгилдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик тилайман ва ҳар биримизга машаққатли меҳнатимиз роҳатини кўриб юрмоқ саодати насиб этсин деймани!

* * *



**Мапрўза ЕШИМБЕТОВА — ихтисослиги бўйича қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси.** Сал кам йигирма йилдан бери ўқувчиларга сабоқ беради. Айни мустақиллик арафасида олий даргоҳни тамомлаб келган бу фидойи муаллима учун бу кечган йиллар катта бир ҳаёт мактаби бўлди. Негаки, эндигина иш бошлаган ёш мутахассисга ҳамма жойда ҳам осон бўлмайди. Битта хатога йўл қўйиса тамом, ўзидан ёши катталар қўлласа-ку яхши, лекин танбеҳ бериб, койиса, шу куниёқ унинг мактабдан кўнгли совийди.

— Бу борада менинг омадим чопган экан, — дейди Мапрўза. — Биринчи йили Қонликўлдаги 21-сонли мактабда иш бошладим. Билмадим, ўзимнинг очиқкўнгиллигим боисми, ёки бу даргоҳда ёшларга эътибор кучлилигиданми, жамоага жуда тез сингишиб кетдим. Икки йилдан сўнг эса ҳозирги, ўзимнинг қадрдон 13-сонли мактабимга таклиф этишди. Ҳозир шу даргоҳда директорман. Ҳаёт ҳақиқати шундай экан: Устоз бўлмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Айниқса, ўқитувчиликни танлаган одамда тоза қалб, покиза виждон, болаларни ўз фарзандидай қабул қила олиш хислати бўлмаса қийин. Ўзим она тили ва адабиётдан дарс берганим учунми, жуда кўнгилчанман, аммо шунга яраша қаттиққўллигим ҳам бор.

Дарвоқе, Мапрўза нафақат ўзининг дарс ўтиш услуби ва иқтидорли ўқувчилари олимпиадаларга тайёрлаш бобида катта тажрибага эга мураббийгина эмас, балки туман хотин-қизлар қўмитаси аъзоси, "Бешкўпир"



қишлоқ фуқаролар йиғинида комиссия раиси, ажойиб оила бекаси, тўрт фарзанднинг меҳрибон онаси. Қолаверса, нафосатли ижодкор ҳам. Қорақалпоғистонда чоп этиладиган "Эркин Қорақалпоғистон" газетаси ҳамда "Амударё" журналида соҳир қалам соҳибаси Мапрўза Эшимбетованинг ижод намуналари мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

### СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

***Бугун сизга ҳикоя қилган қаҳрамонларимиз билан бор-йўғи икки-уч кунгина, Оролбўйида ижодий сафарда бўлганимизда учрашган эдик. Аммо бундай фидойи мураббийларни Қорақалпоғистоннинг барча туман ва овулларида топиш мумкин. Улар қорақалпоқларга хос феъл-атворларига мос равишда ҳадеб мақтанишни хуш кўришмайди, фаолиятлари ҳақида суриштирсангиз, "ўзингиз кўринг, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан гаплашинг" деб қўйишади камтаринлик билан. Эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлодга ҳам ота, ҳам онадек баб-баравар меҳр кўргазаётган бундай устоз-мураббийларга эса ҳар қанча таъзим қилсак арзийди!***

**Норқобил ЖАЛИЛ,
Аваажон БЕКМУРОТОВА,
"Оила ва жамият" мухбирлари.
Қорақалпоғистон Республикаси.**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

# «ИПАК ЙЎЛИ»ДАГИ МАКТАБ

Самарқанд вилояти

Самарқанд вилояти, Нуробод туманининг қадим Жом қишлоғи марказидан кунчиқар томонга юрсангиз, Тегирмонбоши маҳалласига кириб келасиз. Чўққиларга ёндош хушҳаво жойда ўтган йили қайта реконструкция қилиниб, замонавий услубда қад ростлаган кўркамгина 63-ўрта умумтаълим мактабига кириб борарканмиз, кўп эмас, бундан 6-7 йил аввалги манзара эсимизга тушади.

Бир пайтлар қишлоқ аҳлининг саъй-ҳаракати билан қурилган кўримсизгина ўша мактаб билан бугунгисининг ўртасида еру осмонча фарқ бор.

— Илм масканимизда 304 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди **мактаб директори Қоплон Худоёров.** — Уларга 20 нафар ўқитувчи турли фанлардан сабоқ бераяпти. Ўқувчиларнинг ҳаммаси етарлича ўқув дарсликлари билан таъминланган. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб дарслар тўлиқ махсус синфхоналарда ўтилиши ташкил қилинди. Ҳар бир хонамиз ўқув жиҳозлари, тажриба ускуналари билан тўлиқ таъминланган. Бу ерда ҳазилакам ишлар амалга оширилгани йўқ. Албатта, ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилгани туфайли қисқа вақт ичида жуда



катта қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳар бир фан хонасини кўздан кечирамиз. Айниқса, кимё, биология, физика, чизмачилик хоналаридаги турли кўргазмали қуроллар, лаборатория ускуналарию, кимёвий элементлар, гербарийлар, ҳайвонлар расм-суратлари дид билан жойлаштирган.

— Яхшилик ва эзгулик қалбига ҳамроҳ бўлган инсон элнинг дарди, қувончу ташвишлари билан ҳамоҳанг қадам ташлайди, — дейди **мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Дамин Ўсаров.** — Эътибор беряпсизми, мактабимизнинг яшилликка бурканишига сабаб бўлган оби ҳаёт бу ерга қандай олиб келинган? Ишонасизми, 3500 метр узоқликдан — тоғлар бағридан резина шланг орқали мактабга сув олиб келинди. Бу ҳам ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Барча янгиликлар туманимиз ҳокимлиги, қолаверса, жомлик савобталаб инсонларнинг қўллаб-қувватлови орқали амалга ошди. Мана энди, мактабга келган сувдан элимиз ҳам баҳраманд бўлаяпти.

Яна бир қувончли жиҳати, мактабда мўъжазгина боғ ҳам барпо этилган. Қирққа яқин турдаги мевали ва ўнлаб манзарали дарахтлар аллақачон кўкка бўй чўзиб қолган. Анвойи гуллар эса бу даргоҳга ўзгача манзара бағишлаб турибди.

— Биласизми, бу қишлоқ қадим Ипак йўли (Самарқанд-Жом-Насаф-Хуросон)-да жойлашгани боис, олис мозийдан ҳикоя қилувчи кўҳна ёдгорлик намуналари ҳам сақланиб қолган, — дейди Қоплон Худоёров. — Қишлоғимиз тепасидаги Ҳаприн бува қабристонидан топилган эрамиздан аввалги мис даврига оид буғу ҳайкалчаси, Искандар Зулқарнайн даври (э.а II-III асрлар)да зарб қилинган тангалар, хум ва ўнлаб ноёб осори-атиқалар ҳақидаги маълумотларни кўриб, билиб ўсаётган ўқувчиларимиз ўзлари туғилиб, вояга етаётган гўшалари билан фахрланадилар.

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

Наманган вилояти



## ОНАСИНИНГ БОЛАСИ

Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғида жойлашган 2-ўрта мактабнинг биринчи тоифали муаллимаси Машҳурахон Убайдуллаева ҳақида гап кетса, кўпчилик фахр билан юқоридаги эътирофни тилга олади.

2004 йилда ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибаси, мактаб директори Насибахон Собирова эса у ҳақда шундай дейди:

— Машҳурахон раҳматли онаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳуринисахон ая Акбаровага муносиб фарзанд ва ўқитувчи эканлигини йигирма икки йилдан бери ўз меҳнати билан оқлаб келаяпти. У ўзига хос тажриба мактаби яратган тиниб-тинчимас устозлардан биридир.

Унинг қўлида таҳсил олаётган қишлоқ ўғил-қизларининг аксарияти туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келишадидир.

Машҳурахон Убайдуллаеванинг ўқитувчилик борасидаги тажрибалари ибрат олса арзигулик. Унинг ижод маҳсули бўлган «тест банки» топшириқларига нуфузли ҳакамлар ҳайъати иккинчи ўринни берганди. Ўзи ишлаб чиққан методик ишланмалари биринчи ўринга лойиқ деб топилди. «Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш усуллари» номли маърузаси ҳам олдингилари каби вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди. Элимизда «Ҳавас қилган албатта муродига етади!» деган гап бор. Машҳурахон қизалоқлигида волидаи муҳтарамасидек ўқитувчи бўлиш орзусида илм эгаллаб, мақсадига етганди. Қарангки, энди эса унинг дилбанди — қизи Муаззамхон бугунги кунда университетнинг иккинчи босқич талабаси. Ҳадемай у ҳам онасидек оқила ва фозила муаллима бўлиб етишади деб умид қиламиз.

**Асқарали МАМАТОВ.**



*...У ҳар куни мактабга шошилиб келади. Ва...табиийки, уйига ҳам шошилиб қайтади! Негаки, икки ёқда ҳам уни қадрдон болажонлари интиқ кутиб ўтиришади.Мактаб остонасидан ҳатлаши биланоқ, жажжи ўқувчиларининг “Ассалому алайкум, устоз!” деган ҳайқириқларини эшитиб, кўнгли тоғдай кўтарилади. Уйига кираётганида эса фарзандларининг “онажон, мен бугун учта «беш» олдим!” деган ҳаяжонли сўзларини эшитиб, яна бир суюнади... Дарвоқе, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бераётган Зуҳра Холиқованинг ҳар куни ана шундай қувончли воқеалар билан бошланади. Ана шундай чоғда, бир ёқда “устоз”, бир ёқда эса “онажон” деб кўзлари шодликка тўлиб турган болакайларга ҳам меҳр, ҳам таълим-тарбия улашаётганига чин дилдан шукрона айтади.*

Навоий вилояти



## МАҚСАДХОННИНГ МАҚСАДЛАРИ КАТТА

Мақсадхон Ҳасанова Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 15-мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлайди. Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни бу даргоҳда маънавият куни ўтказилиши одатга айланган. Ўғил-қизларнинг одоб-ахлоқи юриш-туриши, кийинишигача назардан қочирилмайди. Керак бўлса, Мақсадхон уларнинг ҳар бири билан эринмасдан бирма-бир сўзлашиб чиқади.

— Бир куни хотин-қизлар кенгаши раиси Дилбар Исломова билан қизларимизнинг баҳслашаётгани устидан чиқиб қолдик, — дейди Мақсадхон. — Билсак, анча қимматбаҳо кийинган қиз соддароқ синфдошини масхара қилиб, кулибди. Мактабдаги барча қизларни йиғиб, кийим масаласи хусусида обдон суҳбатлашдик. Ва низомимизга биноан ҳамма учун бир хил мактаб либосини жорий қилдик. Ўша-ўша бунақанги баҳсларга ўрин қолмади...

Дарвоқе, ҳар йили ушбу илм маскани ўқитувчилари туманда ўтказиладиган «Маънавиятчи» танловида фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам бежиз эмас. «Қувноқ стартлар» республика телевизион мусобақасида, «Умид ниҳоллари», «Энг обод мактаб» кўрик-танловларида ҳам қизилтепалик ўқувчилар ўз устозларидан олган билимларини маҳорат билан намойиш этиб, олқишларга сазовор бўлишмоқда.

**С. ФАХРИДДИНОВА**

## УСТОЗ ДИЙДОРИ

Меҳр қолур

***Дўстлар, яхшиларни авайлаб***
***сақланг,***
***Салом деган сўзнинг салмоғин***
***оқланг.***
***Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан***
***Уни тиригида бир соат йўқланг.***
**М.Шайхзода**

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида устозларни йўқлаш ҳар битта шогирд учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Чунки ҳаётда эришган ҳар бир муваффақиятимиз замирида уларнинг заҳматли меҳнати ётади. Биз шогирдлар орадан неча-неча йиллар ўтса ҳам устозларимиз олдидаги қарздорлик ҳиссини туйиб яшаймиз, улар билан дийдорлашмоқни эса яхшилик аломати дея эътироф этамиз.

Масалан, бизларга сабоқ берган, тўғри йўлни кўрсатган, қалб меҳри, кўз нурини аямаган бошланғич синф ўқитувчимиз Марғуба ая Ворисовани орадан узоқ йиллар ўтиб, излаб борганимизда, биз собиқ ўқувчиларнинг юрагимиз илк бор мактаб остонасига қадам қўйган пайтимиздаги каби шукуҳ ва ҳаяжонга тўлиб кетди.

Ҳақиқатдан ҳам устознинг энг катта бахти — шогирдлар камолини кўриш экан. Марғуба ая биз — шогирдлари Иноятова Зоида, Йўлдошева Меҳри, Нажмиддинова Насиба, Мусаева Лутфи, Юнусова Ҳакималарни кўриб, шу қадар қувончдан яшнаб кетдиларки, бизни ўтказишга жой топа олмай қолдилар, узундан-узоқ дуо қилдилар. Ҳар биримизнинг оиламиз, қайси касбда ишлаётганлигимиз, фарзандларимиз, набираларимиз ҳақида худди бир пайтлар сабоқ сўрагандек, бирма-бир суриштирдилар, яхши гапларни эшитиб, боладек қувондилар. Хуллас, кеч тушса ҳам устозимизнинг ёнидан сира кетгимиз келмасди.

Ниҳоят, хайрлашар эканмиз, у киши дуога қўл очдилар:

— Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, Президентимизнинг бошлари омон, танлари соғ бўлсин. Сизларни ҳам, болаларим, Оллоҳ сийласин, иймонли, инсофли, диёнатли набиралар ато қилсин, тупроқ олсаларингиз олтин бўлсин, оилангиздан ҳеч қачон қут-барака, соғлик-омонлик, роҳат ва фароғат аримасин, — дедилар Марғуба ая.

**Ҳанифа ЯҲЁЕВА**

# СУРАТУ СИЙРАТЛАРИ ГЎЗАЛ

...1968 йилнинг баҳори — ўрта мактабни битиришим арафасида дадажоним бехосдан дардга чалинди. Биздан катталар: онам, акам ва опаларим мен билан синглимга бу дард енгиллигини, албатта ўтиб кетишини тушунтиришарди. Ёз кунлари бошланиб, мактабда битириш имтиҳонлари айни қизиганда, дадам беҳаловат бўла бошлади. Шунинг учун у кишини ҳавоси салқинроқ бўлган Шоҳимардонга олиб кетишди. Гарчанд уйдагиларнинг гап-сўзларида биронбир нохушлик аломати сезилмаса-да, хонадонимизга қандайдир бир оғир кайфият соя ташлагандай эди. Мен ўз ҳолимга ўқиб, имтиҳонлар топширардим. "Дадам тузалиб кетсалар, келгуси йили институтга ўқишга кираман", — деб ният қилиб қўйгандим.

Бизга етуклик аттестати топшириладиган куни онам иккаламиз мактабимизнинг (Марғилон шаҳридаги 8-мактаб) мажлислар залига кириб борганимизда, аксарият ота-оналар ва синфдошларим йиғилиб ўтиришган экан. Дарвоқе, шундан икки-уч кун олдин ўқитувчи ва ўқувчилар орасида: "Имтиҳонлар якунига кўра, битта ўқувчига олтин медал берилибди, у фалончи экан", — деган гап тарқалганди. Номи айтилган қиз аълочи, жамоатчи эди. Ота-онаси унинг яхши ўқиши учун ҳар томонлама шароит яратишга имкониятли одамлар эди.

Тўғриси, биз бу тадбирга иштирок этишимиз шарт бўлганлиги учун келгандик, холос. Кўнглимизга чироқ ёқса ёришмасди. Чунки дадамни бир кун олдин Шоҳимардондан оғир аҳволда олиб келишган, шифохонага ётқизишганди.

Мактабимиз директори Маҳмуджон Дадахонов кириш сўзидан кейин асосий масалага ўтиб:

— Бу йил мактабимизни битта ўқувчи олтин медал билан битирди, бу — бизнинг ҳамма соҳада ибратга арзийдиган, аълочи, ижодкор қизимиз — Муҳтарамахон, — деди.

Тўпланганларнинг ўша пайтдаги юз-кўз, овозларидаги ажабланишни ифодалаб беролмайман. Одми либосларда ғам исканжасида ўтирган онажонимга... дадамнинг аҳволу ҳолатлари ўзим ўйлаганчалик енгил эмаслигини катталарнинг ўзларини тутишларидан ҳис эта бошлаган дилимга бу хабар қандай таъсир этди — ҳамон билмайман. Лекин йиллар ўтиши билан ўқувчилик йилларимга, ўша лаҳзаларга жуда кўп қайтдим.

Ўша йиллари оиламизнинг ҳар бир аъзоси имкон қадар рўзғор юкини кўтаришга мажбур эди. Ҳаёт шуни талаб қиларди. Дадамнинг: **"Мен тириклигимда олган билимларинг — мендан қолган мерос бўлади"**, — деган рағбатлари дилимда, кун бўйи дўппи тикиб, молга ўт ташиб, кечки юмушлардан бўшагандан кейин ярим тунгача китоб ўқиб чарчамасдим. Мактабда эса устозларимнинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрликлари қанотида учиб юрардим. Математик мисол ва масалаларни ечишда энг осон ва тўғри йўлни топмоқчи бўлиб берган саволларимга устозимиз Мажидованинг завқ-шавқ билан жавоб қайтаришлари... русча сўзлашга тортинган пайтларимда Раиса Викторовна Авласевичнинг: "Сенинг русча нутқингда ҳаттоки акцент ҳам йўқ, тортинмай гапиравер", — деб қуйинишлари... жисмоний тарбия дарсларида ичимдан қўйилиб келган шаҳд билан югурарканман, кутилмаганда йиқилиб шикастлансам, физкультура домламиз Акрамовнинг кўзларидаги оталарча ачинишга қоришиб кетган меҳр, ғурур... тарих фани муаллимамиз Обидованинг дарслари ҳеч қачон тугамасайди, деб қуёшдек чарақлаб тургувчи юз-кўзларига маҳлиё бўлганларим... Мана шундай мактабни битирганимдан қарийб қирқ йил ўтгач, Ўзбекистон Қаҳрамони, хоразмлик Анора Маҳмудова билан суҳбатлашарканман, у кишининг бир фикри беихтиёр мени яна ўша йилларимга қайтарди: **"Бола мактабга худди байрамга келгандек келиши керак"**. Менинг ўқувчилик йилларим худди мана шундай ўтганига яна бир бор иқрор бўлдим. У унутилмас йиллар сабоғи, ҳарорати, шуълалари учун устозларим (ўтганларининг охиратларини Аллоҳ обод этсин!) олдида умрбод таъзимдаман!



...Иккинчи воқеа ҳам бевосита биринчисининг давоми, деса бўлади. Мактабдан олтин зарҳал муқовали аттестатни олиб, тўғри шифохонага бордик. Дадамнинг дардлари оғир, лекин юқумли бўлмаганлиги учун каттаю кичик беморлар аралаш ётган хонада (балки ўша пайтдаги шароит туфайлидир) эдилар. Аттестатимни қўлларига олиб, дадамнинг кўзлари ёшландими... ялтиллагандек бўлди-да. Ёшларга: "Менинг қизимдек ўқинглар", — деб мақтаниб ҳам олдилар.

Отажоним билан бирга кечган ўн олти йиллик ҳаётимда падари бузрукворимга мен бахш этган энг катта қувончлардан бири ўша бўлса керак. Ўшанда ҳамон дадамнинг тузалиб кетишларига ишонардим, шунинг учун келгуси йили олий таълим даргоҳига кириш ниятида эдим. Лекин катталар вақтни зое кетказмай, шу йили ўқишга киришимни таъкидлашар, мактабдаги ўқитувчиларим ҳам шундай маслаҳат беришарди. Уларнинг гапларига кўндим. Ҳужжатларимни Фарғона Давлат педагогика институти (ҳозирги пайтда университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига топширдим. Худди ўша кунлари бошимизга оғир жудолик тушди — 20 июль куни отажонимни бақо оламига кузатдик. Азадор кунлар, бир-бирига туташиб кетган мотам маросимлари ичида менинг институтга кириш имтиҳонларига тайёрланишимга шароит ҳам, ўзимнинг дил рағбатим ҳам йўқ эди. Отамнинг вафотларидан ўн кун ўтгач, биринчи имтиҳонни топширишим, яъни ўша пайтдаги тартиб-қоидага кўра иншо ёзиб чиқишим керак эди.

1 августда иншони ёздим-у, жавоби чиқадиган куни имтиҳон варақасини олишга юрагим бетламай юрдим. Чунки тўп-тўп бўлишиб, бир-бирига савол-жавоб қилишаётган йигит-қизларнинг гап-сўзларидан қулоғимга чалиндики, иншодан фақат бир киши "5" баҳо олганмиш... Оғзаки имтиҳонга кириш онларим яқинлашгач, минг хавотир билан имтиҳон варақалари тарқатилаётган столга яқинлашиб, ўз фамилиямни айтсам, ёшгина ўқитувчи "ялт" этиб менга қаради-ю:

— Қаерларда юрибсиз, синглим? — деди ва менга варақани узатаркан, кулиб қўйди. — Олти юз элликка яқин абитуриентнинг ичидан «биттагина "5" баҳо олган ким экан», деб ҳамма эрталабдан буён қизиқяпти-ю, сиз кўринмайсиз!..

Азиз ўқувчи, юқоридаги воқеаларни тасвирлашдан мақсадим ўзимнинг баҳоларим билан мақтаниш эмас. Зеро, бу баҳо бошқача бўлиши ҳам мумкин экан-у...

Институтни битириб, дипломимни олиш учун ходимлар бўлимига кирганимда, эсдалик бўлиб қолиши учун муқоваси зарҳалли аттестатимни ҳам қайтариб беришди. Шунда унинг ичида сақланган кириш имтиҳонида ёзган иншомни ҳам кўриб қолдим-у, қизиқиб варақладим. Унда тиниш белгиларига оид иккита хато қизил қалам билан белгиланган, лекин улар устидан яна чизиб ташланганди. Якунда эса аввал "4" баҳо қўйилиб, у ҳам устидан "5" қилиб тўғриланганди. Ва охирги имзо қўювчи "Иншода хато деб кўрсатилган ўринлар аслида хато эмас", деб ёзиб, фикрини имзо билан тасдиқлаганди. Бу имзо филология фанлари номзоди Ҳатиба Ҳакимовага тааллуқли эди. Ҳақиқатан ҳам, ўша ўринда матн моҳиятидан келиб чиқиб, тиниш белгисини икки хил мақсадда ишлатиш ёки ишлатмаслик мумкин эди.

Институтни битирганимдан

## ЭҲТИРОМ

кейин менга маълум бўлган бу янгилик ўзим учун аёллик, нафосат, маданиятлиликнинг тимсолларидан саналган Ҳатибахон Ҳакимованинг яна бир жиҳатларини, яъни ҳақиқий, беғараз устоз эканликларини кашф этди.

...Талабалигимизнинг дастлабки йиллари Ҳатибахон опа бизга гуруҳ раҳбари эдилар. Дарслари асосан юқори курсларда эди. Лекин худди 1-синф муаллимаси етти ёшлиларга қандай ғамхўр, парвона бўлса, раҳбаримиз биз билан ҳам худди шундай муносабатда бўларди. Айниқса, у кишининг қизларни алоҳида тўплаб суҳбатлашишларини жуда яхши кўрардим.

Мен бу аёлни шунчалар яхши кўрардимки, ҳар гал учрашганимизда салобати босарди, ичимда бир енгил титроқ турарди. Иккинчи курсни битиришимиз арафасида Ҳакимованинг умр йўлдошлари — таниқли тилшунос, профессор Ғани Абдураҳмоновни Олий таълим вазирлигига ишга олишди, шу сабабли улар оиласи билан Тошкентга кўчиб кетишди.

Ўтган икки йил ичида суҳбатларда ўрни келиб қолса, Ҳатибахон опа менинг кириш имтиҳонида жуда мазмунли, хатосиз иншо ёзганимни айтиб, мақтаб қўярдилар. Аммо бирор марта "4" баҳонинг "5"га айланиш тарихидан оғиз очмаганлар...

Йиллар ўтди. Менинг тақдирим ҳам пойтахт билан боғланди. Журналистик фаолиятим тақозоси билан учрашган, суҳбатлашган одамларимнинг ҳисоби йўқ. Қанчадан-қанча қоғозлар қораладим, ажойиб инсонлар тўғрисида ёзганларим босилиб чиқаверди. Фақат... Ҳатибахон Ҳакимова ҳақида ёзишга журъат этмадими... ёки ёзсам, кўксимдаги ажойиб шеърият оддий матнга айланиб қолишидан ҳадиксирайманми... билмадим.

Бағримни бутун этиб, эзгуликларни кўрганда, яхшиликка ёндошганда кўзларимга шукрона бўлиб тўладиган уммонда ҳар доим ота-онамнинг ва улар каби азизу мухтарам устозларимни кўраман.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.**




**«САЙЛ»** — биз бу сўзни асосан, сайр маъносида тушунамиз. Масалан, «сайлга чиқдик» деймиз. Бизнингча биз бу ўринда «сайр» сўзини бузиб ишлатамиз. Чунки «сайл» арабча сўз бўлиб, «сел, қаттиқ ёққан ёмғир, кучли оқим, офат» маъноларини билдиради. «Сайр» эса «юриш, ҳаракат, кезиб, айланиб томоша қилиш» маъносини англатади.

**«ВРАЧ»** — бу сўз русча «врати» сўзидан олинган бўлиб, «гапирмоқ, сўзламоқ, авроқчи, сеҳргар» маъноларини англатади. Ҳозирда эса олий маълумотли тиббиёт ходими «врач» деб аталади.

**«ВОҲА»** — арабчада «саҳро ўртасидаги сувли, кўкаламзор жой, чўл ва чала чўллардаги обод қилинган ер» маъносини англатади. Масалан, Зарафшон воҳаси, Хоразм воҳаси.

**«ДЕВОН»** — форсча сўз бўлиб, «гилам тўшалган супа» маъносини билдиради. «Диван» сўзи ҳам бунга алоқадор. «Диван» - «подшо ўтирадиган курси» маъносини англатган. Ҳозирги пайтда бу сўз ўтириш ва ётиш учун мўлжалланган суянчиқли икки четида дастаси ёки ёстиқчаси бўлган юмшоқ мебель маъносида ишлатилади.

**«ДИД»** — сўзи форсча бўлиб, «қараш, нигоҳ, кузатиш» маъноларини англатади. Дид — гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти.

**«МАРҲАМАТ»** — арабча сўз бўлиб, «раҳм-шафқат, раҳмдиллик, ачиниш, илтифот» маъноларини англатади. Яъни раҳм-шафқат орқасидан кўрсатиладиган илтифот, ҳиммат, яхшилик. Масалан: «Дўстлар марҳамати». «Марҳамат» — таклиф ёки розилик билдирувчи сўз маъносини ҳам билдиради. Масалан, «Қани тақсирим, тўрга марҳамат!» (Ҳамза, «Майсаранинг иши»)

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# КИТОБДА БИР ДАРГОҲ БОР



**КАСБИМ—БАХТИМ**

Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 1-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаб-интернати вилоят миқёсида ўқувчилар аниқ фанлар — математика, химия, физика ва инглиз тили йўналишлари бўйича таҳсил кўришади. Мактабга ҳар йили 5-6-7-синф ўқувчилари тест асосида қобилиятига қараб, 70 нафарга яқин бола танлаб олинади. Нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларнинг ҳам билими, савияси махсус синовдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади.

Илм маскани 265 ўқувчига мўлжаллан-ган бўлиб, бу ерга нафақат Қашқадарё, балки Хоразм, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан ҳам иқтидорли болалар келиб таълим олишмоқда. Бу ерда 90 ўринли ётоқхона, ошхона, уч минг китоб захирасига эга бўлган кутубхона ишлаб турибди. 8 нафар тарбиячи-ўқитувчилар ишни ўқувчиларнинг бўш вақти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилишган. Болалар дарсдан кейин ўзлари кирмоқчи бўлган олий даргоҳлар йўналиши бўйича тўгаракларга ҳам қатнайдилар. Илм масканининг «Йилнинг энг яхши мактаби» деган шарафли номни қўлдан бой бермай келаётгани ҳам бежиз эмас. 24 нафар олий тоифали ва малакали ўқитувчи — мураббийларнинг заҳматли меҳнатлари самараси ўқувчиларнинг кўрик-танлов ва фан олимпиадаларида, қўлга киритаётган ютуқларида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Жамол Узоқовнинг химия фани бўйича халқаро олимпиадада иштирок этиб, 3-ўрин ҳамда бронза медалини қўлга киритиши, Баҳриддин Абдиевнинг математика фани йўналиши бўйича аввал Россия, сўнг Хитойда ўтказилган олимпиадада фахрли ўрин ва бронза медалига сазовор бўлгани, Шуҳрат Холов ва Моҳигул Хўжамованинг Британия давлати элчихонаси томонидан ўтказилган «Томчида ҳаёт акси» иқтидорли ўқувчилар кўрик-танловида ғолиб бўлиб, бир ой Англия мактабларида ўқиб келганликлари, мактаб ўқувчиларининг «Компьютер саводхонлиги» республика кўрик-танловида муваффақият қозониши албатта, тасодиф эмас. Бу ҳам ўз соҳасини пухта эгаллаган устозлар меҳнати самарасидир. Шу боис битирувчиларнинг 90 фоизи ҳар йили энг юқори натижалар билан олий ўқув юртларига қабул қилинмоқдалар. Ахир бежизга бу илм масканида ўқишни орзу қиладиганлар беҳисоб эмас-да.

Баъзи ота-оналар «сизнинг мактабингизни битирса, ўқишга кириб кетаркан», деган тушунча биланми, ўз фарзандларини етаклаб келишади,—дейди кулимсираб **мактаб директори Ҳабиба Хидирова.** — Аммо мен учун энг муҳими— боланинг ўзида иқтидор, ҳавас ва интилиш бўлиши шарт.

Ана шунда у ўз ишининг моҳир устаси бўлади. Биз эса ана шундай иқтидорли, билими кучли болаларга қўлимиздан келгунча ёрдамлашамиз. Чунки ҳар бир боланинг ютуғи — ҳаммамизники, қувончу ташвиши ҳам ўзимизники. Ва биз шундан бахтлимиз.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**ТАДБИР**



## ТАРБИЯ — БИР КИШИНИНГ ИШИ ЭМАС

**“Жамият аъзоларининг, ҳар бир оиланинг, шу жумладан, ота-она ва фарзандларнинг ҳам зиммасига алоҳида масъулият юклайди”** дея алоҳида таъкидланди Тошкент вилояти адлия бошқармаси ташаббуси ҳамда Бекобод шаҳар ва туман ФҲДЁ бўлимлари ва Саломатлик марказлари ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда. “Соғлом оила, соғлом она ва бола, тарбия — ҳаммамизга дахлдор”, деб номланган ушбу тадбирда бевосита Юртбошимиз томонидан қабул қилинган аҳоли саломатлиги, соғлом авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан жиҳатдан баркамол бўлиши билан боғлиқ энг муҳим дастурлар ижросига боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Баҳс-мунозара тарзида ташкил этилган ушбу семинарда Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармаси ҳамда Бекобод шаҳар ва туман ФҲДЁ бўлимлари ходимлари, тиббиёт муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этдилар.

**Турдиқул НОРМАТОВ,**
**“Оила ва жамият» мухбири.**


**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ “ОЛИМКЕНТ” ҚЎРҒОНИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ЖАМОАСИ**



*Мамлакатимизнинг барча устоз ва муаллимларини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади! Қўрғонимиз ҳудудида фаолият юритаётган учта мактабда сал кам 200га яқин фидойи ва жонкуяр ўқитувчи ёш авлодга маърифат нурини улашмоқда. Севимли газетамиз орқали уларни ҳам ана шу муборак айём билан қутлаймиз.*

***Барчаларига сиҳат-саломатлик, руҳий бардамлик ва шогирдлар камолини кўриб юрмоқ бахти насиб этсин!***

Халқ орасида устоз, мураббий деган улуғ ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган илму маърифат фидойиларини қутлуғ байрамлари билан



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҚҚЎРҒОН ТУМАН ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАСИ ЖАМОАСИ**
**чин дилдан табриклайди!**

***Сизларга узоқ умр, бахту саодат тилаймиз!***

***Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти “Д” тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни***

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!**



**Ойлик маошлар қуйидагича:**

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида “Д” тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

**Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**1.** Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.

**2.** Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).

**3.** 3х4 сурат (10 дона)

**4.** Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)

**5.** “B”, “C” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, ( собиқ Иркутск) 20-уй.
**МЎЛЖАЛ:** Корасув 6. **ТЕЛЕФОН: 266-38-31**

## ШАНБА 10

### O'ZBEKISTON

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 ТВ - анонс.
07.10 «Изҳор».
**07.15 Миллий кино:** «Тақдир эшиги». **1-қисм.**
07.50 «Тонгги наволар».
08.00 «Ахборот».
08.35 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
08.40 «Қурбақа малика». М/ф.
09.35 «Мусиқа дунёси».
09.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
**11.20 Миллий сериал:** «Туташ тақдирлар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ - анонс.
**13.10 Миллий сериал:** «Турмуш чорраҳаларида».
13.55 «Ҳаёт манзаралари».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Оҳанрабо».
15.00 «Сўнгги поезд». **Б/ф.**
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.05 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Минг бир маслаҳат».
17.45 ТВ - анонс.
17.50 «Рангин дунё».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 ТВ - анонс.
18.35 «Сабоқ». **В/ф.**
18.50 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
19.20 «ТВ - шифокор».
**19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.**
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ - анонс.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Кинотақдим».
21.55 ТВ - анонс.
22.00 «Сент - пьерлик бева».
**Б/ф. Премьера.**

### YOSHLAR

07.00 «Салом, ёшлар!»
**08.00** «Мафтуна».
08.45 «Кўқон ўймакорлик мактаби».
09.00 «Илҳом қанотлари».
**09.10** «Шерюрак». **Т/с.**
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Миллий мультфильм».
10.30 «Болалар илҳоми». Й. Гайдн ижодидан.
10.35 Адабиёт дарси.
10.40 «Сирли ўрмонча».
11.00 «Шарқ гавҳари».
11.40 «Yoshlar-FM».
**12.10** «Кўнгил боғи». **Т/с.**
13.00 «ДАВР».
**13.10** Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/4 финал
14.50 «Олтин тупроқ».
15.00 «Салом, ёшлар!»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Чемпион».
**17.00** «Менинг исмим масхарабоз». **Б/ф. 2-қисм.**
19.00 «ДАВР».
**19.30** «Кўнгил боғи». **Т/с.**
20.20 «Айланай».
20.40 «13-студия».
**21.00** «Шерюрак». **Т/с.**
22.00 «Давр».
22.30 «Табассум қил!»
22.50 «Ҳаётбахш наволар».
**23.00** Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/4 финал

### TOSHKENT

07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 Бизнес-»Пойтахт».
08.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
09.20 «Карвонсарой».
**09.30** «Пойтахт».
09.40 «Анонс».
09.45 «Интервью».
09.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Саломат бўлинг!»
**10.30** «Пойтахт». **/рус/.**
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с / рус/.
11.10 «Ўйларим».
11.15 «Афиша»/рус/.
11.25 «Суғур куни». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
15.20 «Анонс».
15.25 «Куз эртаги». Т/с.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.10 «Анонс».
17.15 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.20 «Афиша».
17.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Истеъдод».
**18.30** «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-»Пойтахт».
19.45 «Мафтун».
**20.00** «Пойтахт». **/рус/.**
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
**21.30** «Пойтахт».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25-00.55 Индийское кино: «Салам- Намастэ». Х/ф 1-2серии.

### SPORT

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус. тил)
9.25 «Жасур болалар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил)
10.25 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал
10.50 «Фоторевю».
11.10 Баскетбол. Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
12.10 – 13.10 Экстремал спорт мусобакаси: «Паҳлавонлар беллашуви».
***
18.00 «Соғлом оила».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 «Аёл ифори».
**19.20** Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати: 1/4 финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
21.20 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.45 «Файтер». Восточные единоборства.
22.15 «RING».
**22.50** Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
00.50 Футзал. Халқаро турнир. Ўзбекистон - Қозоғистон.
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
09.30 Мультфильм
10.30 Baby hits
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Don» б/ф
14.10 Ўзбек наволари
14.30 «Тўнлар муборак»
15.00 «МЭРИ ПОППИНС, ДО СВИДАНИЯ!» худ.фильм
17.30 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»
20.30 «Бизнинг мусика»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «9 й РАЙОН» худ. фильм

### ntt

06:30 "Асрлар садоси"
07:00 Тонгги мусиқий бекат
07:30 "ХУДУД"
07: 50 «Сўғдиёна"
08:00 "Мумтоз наволар"
08:30 "Янги авлод"
09:30 «Рақиб ака-ука» б/ф
11:00 "Тарона"
11:45 Киноконцет
12:00 "Денгиз аждаҳоси" т/с
14:00 "ХУДУД"
14:25 "Севгининг баҳоси йўқ" б/ф (Ҳиндистон)
17:00 "Оилангиз шифокори"
17:10 "Асрлар садоси"
17:30 "Янги авлод"
18:30 "Тарона"
19:00 Хужжатли фильм
19:25 "Биллурдаги дарз" х/ф
20:00 "Юрт мадҳи"
20:20 «Сўғдиёна"
20:30 НТТда янги дастур: "Озод-шоу" мусиқий-кўнгилочар дастури
21:30 НТТ да ҳажвия
21:45 Кечки мусиқий бекат
22:00 НТТда премьера: "Жаноб-420" б/ф (Ҳиндистон)

### СофТС

08:00 Музыка
09:00 «Городские путешествия»
09:55 «Школа здоровья»
10:20 «Камень, ножницы, бумага»
10:45 «Мир в твоей тарелке»
11:10 «Детские шалости»
12:50 «Жизнь прекрасна»
14:40 «Самый умный»
16:20 «Кто умнее пятиклассника»
17:20 «Истории в деталях»
17:50 «Папины дочки» (5 серий)
20:00 «Истории в деталях»
20:30 «Не может быть»
21:25 Музыка

### 1 ОРТ

5.00 Новости.
5.10 Х/ф «Вы мне писали...».
6.45 «Знаменитый утенок Тим». Мультипликационный фильм.
7.15 «Играй, гармонь любимая!».
7.55 Умницы и умники.
8.45 «Слово пастыря».
9.00 Новости.
9.20 Смак.
10.00 «Александр Михайлов. Надо оставаться мужиком».
11.00 Новости (с субтитрами).
11.10 Х/ф «Вербовщик».
12.50 «Среда обитания. Бытовая «химия».
13.50 Концерт Михаила Задорнова.
15.25 Х/ф «Белая стрела».
17.10 Премьера. «Хиддинк. Гус Иванович».
18.15 Премьера. «Ирина Роднина. 6.0». Юбилейный вечер.
19.30 «Время».
19.45 Футбол. Сборная России - Сборная Германии.
22.00 «Прожекторперисхилтон».
22.35 «Что? Где? Когда?».
23.55 Х/ф «Полет Феникса».
1.50 Х/ф «Идеальная пара».
3.40 Х/ф «Адам и Хева».

## ЯКШАНБА 11

### O'ZBEKISTON

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07:00 «Иқлим».
07.05 ТВ - анонс.
**07.10 Миллий кино:** «Тақдир эшиги». **2-қисм.**
07.45 «Тонгги наволар».
08.00 «Ахборот».
08.35 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
08.40 «Бизнинг кутубхона».
08.50 «Микки-Маус уйи». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Шарқ тароналари - 2009».
**11.55 ТВ - анонс.**
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ - анонс.
13.10 «Очиқ дастурхон».
13.40 «КиноТеатр».
14.05 «Аёл матонати». **Б/ф. Премьера.**
16.05 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Баликчи ва олтин балиқ ҳақида эртак». М/ф.
17.10 «Саёҳатга марҳабо!»
17.35 ТВ - анонс.
17.40 «Ҳамон ёдимда... »
18.20 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
19.20 ТВ - анонс.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома». /рус/.
20.00 ТВ - анонс.
**20.05 Миллий сериал:** «Туташ тақдирлар».
20.45 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Заковат».
22.45 «Муҳаббат ҳақида фильм». **Б/ф. Премьера.**

### YOSHLAR

07.00 «Бугун».
07.30 «Тошкент таронаси».
07.40 «Сўнмас юлдузлар».
**08.00 Миллий кино:** «Ёр-ёр».
09.10 «Рўзғор мактаби».
09.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
**10.40** «Шерюрак». **Т/с.**
11.25 «Қишлоғимга хат».
11.30 «Мультипанорама».
**12.10** «Кўнгил боғи». **Т/с.**
12.55 «Тафаккур чироғи».
13.00 «Камолот хабарлари».
**13.10** Футбол. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. 1/4 финал ўйини **(Такрор)**
14.45 «Айланай...»
15.00 «Инсон психологияси».
15.30 «Шарқ оҳанглари».
16.20 «Ҳаёт сўқмоқлари».
16.50 «Кўнгил куйи».
**17.50** «Самовий ишқ». **Т/с.**
18.50 «Қишлоғимга хат».
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Экрандаги олабўжи».
20.00 «Тараннум».
20.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
21.00 «KINOMANIYA».
**21.30 Жаҳон киноси:** «Титаник».
01.10 «Юрт тинчлиги».

### TOSHKENT

07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 Бизнес-»Пойтахт».
08.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
09.20 «Карвонсарой».
**09.30** «Пойтахт».
09.40 «Ўйларим».
09.45 «Она-замин неъматлари». Т/ф.
09.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша».
**10.30** «Пойтахт». **/рус/.**
10.40 «Бешик». Т/ф.
10.55 «Истеъдод».
11.10 «Фликнинг саргузаштлари». М/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Ўлдинг-азиз бўлдинг». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
16.05 «Телекурьер-маркет».
16.25 «Тошкентда латифа».
16.30 «Карвонсарой».
16.40 «Боликка қайтиб».
17.00 «Кемадан ташқарида». Б/ф.
18.50 «Анонс».
18.55 «Телекурьер-маркет».
19.15 «Нима учун?»
20.00 «Кинотақдим».
20.25 «Тошкент оқшомлари».
20.55 «Анонс».
21.00 «Туризм ҳақида». /рус/.
21.30 - 23.35 «Кино SMS со звёздами». »Между небом и землёй».
«Умница Уилл Хантинг».
«Игры разума».

### SPORT

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил)
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб тил)
10.25 «Аёл ифори».
10.55-13.10 Спортивное кино: «Тренер Картер». Художественный фильм.
***
18.00 «Кири клоун». Мультфильм.
18.05 «АВТОграф».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.05 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.30 Футзал. Халқаро турнир. Ўзбекистон - Эрон.
20.40 «ПрофРИНГ».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
**22.05** интерфутбол.
23.40 Баскетбол. Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.

### TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 «Jannat Makon»
11.30 «9 й район» худ. фильм
13.40 Ўзбек наволари
15.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
17.00 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
19.30 Звездопад
20.10 Ўзбек наволари
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ВРАГ ГОСУДАРСТВА» х/ф

### ntt

06.30 "Асрлар садоси"
07:00 Тонгги мусиқий бекат
07:30 "Жаноб-420" б/ф (Ҳиндистон)
10:15 "Тарона"
10:35 НТТда янги дастур: "Озод-шоу" мусиқий-кўнгилочар дастури
11:35 "Сукунат туғёнлари"
12:00 "Йўқотилган йиллар" т/с
14:00 "ХУДУД"
14:45 "Ҳижрон" т/с
17:00 "Асрлар садоси"
17:30 "Янги авлод"
18:30 "Тарона"
19:00 НТТ да хажвия
19:15 "Ҳалокат гирдоби" х/ф
20:00 «Сўғдиёна" аёллар кўрсатуви
20:10 "Юрт мадҳи" мусиқий дастур
20:30 "Парламент соати"
20:50 "Одамлар орасида"
21:30 "Якшанбада яхши дам" концерт дастури
22:00 Кечки кинозал: "Бриллиант кўл" б/ф

### СофТС

08:00 Музыка
09:00 «Городские путешествия»
09:55 «Жизнь в цветах»
10:20 «Бездонные антресоли»
10:45 «На вкус и цвет»
11:10 «Самый умный»
12:50 Мультфильм «Приключения Тома и Джери»
14:20 Мульфильм «Что новенького, Скуби Ду?»
13:50 «Галилео» Дайджест
14:45 «Кто умнее пятиклассника»
15:45 «Ранетки» (5 серий)
20:00 «Истории в деталях»
20:30 «Не может быть»
21:25 Музыка

### 1 ОРТ

5.00 Новости.
5.10 Гении и злодеи.
5.40 Олег Даль, Маргарита Терехова в фильме «Расписание на послезавтра».
7.05 Смак.
7.45 Армейский магазин.
8.15 «Здоровье».
9.00 Новости.
9.15 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым.
9.30 «Пока все дома».
10.20 Фазенда.
11.00 Новости (с субтитрами).
11.10 Премьера. Живой мир. «Тайны Тихого океана».
12.10 Татьяна Лютаева, Андрей Руденский в фильме «Деньги для дочери».
13.55 Праздничный концерт к Дню работника сельского хозяйства.
15.15 Кристина Орбакайте, Гоша Куценко в комедии «Любовь-морковь».
17.10 Премьера. Музыкальный фестиваль «Голосящий КиВиН».
20.00 Разговор с Президентом Российской Федерации Д.А. Медведевым. Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа.
21.00 «Большая разница».
22.05 «Обмани меня». Новый сезон.
22.55 Брэд Питт в комедии Гая Ричи «Большой куш».
0.45 Марлон Брандо в фильме «Молодые львы».

**Ҳурматли Раъно ҲАМИДОВА ва Нигора НАБИЕВА!**
Таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша бор бўлинглар.
Оила аъзоларингиз номидан Исроил.



**Ҳурматли Зубайда КАРИМОВА!**
Таваллуд топган кунингизга 60йил тўлиши муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз.
Биз фарзандлар бахтига доимо соғ-саломат бўлинг.
Ҳурмат билан фарзандларингиз Дилмурод, Эркин, Зафар, Нилуфар
Китоб шаҳри, Хиромий кўчаси, 6 уй

**Қадрли биринчи ўқитувчим Руҳия ШАЙМАНОВА!**
Байрамингиз билан қутлайман. Умрингиз узоқ, танингиз соғ бўлсин. Машаққатли касбингизда матонат, сабр-тоқат тилайман.
Сизни соғиниб Матлуба Шукурова,
Навоий вилояти.

**Муҳтарама устозим Вазира опа ЯМИНОВА!**
Сизни байрамингиз билан табриклайман. Оилавий хотиржамлик, ишларингизга ривож тилайман. Биз ўқувчиларингизга ҳаёт ҳамда илм сабоғини беришда ҳеч қачон чарчаманг.
Ўқувчингиз Шаҳодат Саъдуллаева,
Тошкент шаҳридаги 214-мактаб ўқувчиси.

**Ҳурматли устозим Саида опа ЮСУПОВА!**
Касб байрамингиз муборак бўлсин. Сиз фаолият юритаётган 243-мактаб жамоаси ва барча ўқувчиларингиз бахтига соғ бўлинг.
Камола Аҳмедова,
ЎзМУ талабаси.



ҲОЛАТ

# ЙИГИТНИНГ ОРИ БЎЛСИН

Бир куни 131-автобусда бир йигитнинг автобусдаги йўловчиларга қараб, ўзини бечораҳол тутганча садақа сўраётганига кўзим тушди. Очиғи, аввалига раҳмим келди. Хаста бўлса керак-да, деб ўйладим. Эътибор бериб қарасам, туппа-тузук, оёқ-қўли бут. Кўнглимдан кечган иштибоҳни орқароқда ўтирган ёши улуғроқ киши ҳам сезгандек куйиниб гапира кетди:

— Сахти сумбатингга қараганда, сен ҳеч касалга ўхшамайсан. Тоғни талқон қиладиган шаштинг бор, — деди йигитга бошдан оёқ кўз югуртирганча.

— Оғир ишга ярамайман-да ака, — деди йигит қоматини баттар букчайтириб, дудуқланганча.

— Хўш, қаеринг оғрийди, ногиронмисан?...

— Э, оғир ишга ярамайман-да, ошқозоним касал.

— Кўрдингми, ёлғонинг ҳеч келишмаяпти. Ошқозони касал одам сақич чайнамайди. Қолаверса, сақич ошқозонни даволамайди, касал қилади. Сен дудуқ ҳам эмассан. Мана, гапиришинг ҳам бинойидек экан-ку. Шу юришингни ўзингга эп кўрасанми?

— Ака, энди бошқа ишга ярамасам нима қилай? — деди йигит атрофдагилардан ҳам уялмай.

— Гавдангни қара. Сенга бир таклиф — кунига 20 мингдан бераман, менга шогирд бўласанми?

— Э, йўғ-е менга оғир иш қилиш мумкин эмас.

— Болам, сенга оғир иш қилдирмайман.

Энди ҳалиги кишининг овози баланд эшитила бошлади. Йигитнинг безбетлигидан унинг росманасига жаҳли чиқаётгани сезилиб турарди.

— Менинг ёнимда юрасан, шогирд бўлиб, — деди амаки атрофдагиларга ҳам эътибор бермай.

— Нима иш қиламан?

— Пайвандчиман, трубаларни, темир дарвозаларни пайванд қиламан, ёнимда юриб иш ўрганасан.

— Бу ҳам зарарли иш, соғлигимга тўғри келмайди.

— Ҳой, йигит эркакмисан ўзи? У десам бу дейсан, бу десам у. Мана менга қара-чи, касалга ўхшайманми? — деди у астойдил асабийлашиб. — Мана бу ёнимдаги шогирдим. Эртага шу ерга чиқиб турсанг, сениям ишга олиб кетаман.

Бу воқеанинг қандай ниҳоя топгани менга қоронғу, чунки ўша пайт манзилимга етиб келгандим.

**ЯНА БИР ВОҚЕА:**

«Қўйлиқ» бозорида бозор-ўчар қилиб бўлгач, аравакашга ишим тушди. Ёнимдан аравасини судраб ўтаётган ёшгина йигитни тўхтатдим. Фақат унинг бошқалардан фарқи... бир қўли йўқ эди. Мен ўзимни бунга эътибор бермагандек тутган бўлсам-да, у кўнглимдагини сезди шекилли, «юкларингизни соламизми, менга ишонаверинг», деди кулимсираб.

Мен ҳам унга, беихтиёр ёрдамлашишга шошилдим. Шунда у оғрингандек:

— Опа, шарт эмас, сиз четга туринг, ўзим, — дея чаққонлик билан юкларимни жойлай бошлади.

Мен унинг ортидан эргашдим. Кета-туриб ер ости йўлагидан ўтарканмиз, йигит тепаликка чиқишда аравани суришга бир қўллаб кучи етмаса, кўкси билан итарарди. Унга ачинганимданми:

— Қийналиб қолмайсизми, укажон, енгилроқ иш қилсангиз бўларкан, — дедим.

— Эҳ, опажон шундай деб хафа қиласиз-да одамни. Бошқалардан нима жойим кам, Худога шукр, билагимда кучим бор. Аравани кўксим билан итаролмасам, керак бўлса тишларим билан тортаман. Айримларга ўхшаб, тиланчилик қилиб ёки аёлларнинг кийимларини сотиб ҳам кун кўришим мумкин эди. Лекин мен бундай ишларни ўзимга эп кўрмайман. Йигит кишининг ўзига яраша ори, ғурури бўлиши керак-ку!

Айтилган жойга етиб келгач, мен унга бошқаларга қараганда кўпроқ хизмат ҳақи узатдим. У эса пулни санаб кўрди ва қайтимини қайтариб бераётиб:

— Мен ҳеч кимдан шафқат сўрамайман! — дея жўнаб кетди...

Ўзим шахсан гувоҳ бўлган бу икки воқеа қаҳрамонларининг ёши деярли тенг. Бири соппа-соғ, иккинчиси эса... Лекин йигитлик ғурури, орини бири тирикчилик баҳонасида оёқости қилаётган бўлса, бошқаси ўз шаънини ерга уришни ўзига эп кўрмаётир. Бу эса ҳар қандай инсон қалбини ларзага солиши табиий, албатта.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

«ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

## ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

**1-САВОЛ**

**Айтадиларки, итга остонадан, мушукка эса уйнинг тўридан жой ато қилинган. Бунинг ўзига хос ҳикмати бор. Оила даврасида бир муҳокама қилиб кўринг-чи, бу ерда қандай сир бўлиши мумкин? Эслатиб ўтамиз, бу сирнинг оила-хонадон билан боғлиқ муҳим жиҳати бор.**

**2-САВОЛ**

**«Фарқ» сўзининг туб маъноси биз билганимиздай нарсадан нарсанинг фарқини билдирмайди. Бу сўзга яхшилаб диққат қилсангиз, унинг «айрилиқ» маъносини англатувчи бир сўз билан жуда яқинлигини илғайсиз ва шу орқали унинг туб маъносини илғайсиз. Шунда ҳам жавоб тополмасангиз, «Оила ва жамият»нинг ўтган сонларини варақлаб кўринг.**

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**

**Тошкент шаҳридаги 7 - автокорхона ОАЖ "Д" тоифали ҳайдовчиларни**

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!**




**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 49.
**ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34**

Қўқон шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли

**22-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖАМОАСИ**

**мамлакатимиз устоз ва мураббийларини қутлуғ байрамлари билан самимий табриклайди!**



**Илм боғининг боғбони, ҳаётимиз сарбони бўлган азиз устозлар. Кўз нурингиз, қалб ардоғингиз билан вояга етказадиган авлоднинг камолоти сизнинг меҳнатингиз мевасидир. Бу билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди. Шу боис сиз ҳар қанча эъзозу ҳурматга лойиқсиз.**

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин!**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ "2-АВТОБУС САРОЙИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини хушнуд қилмоқ мақсадида янги "МЕРСЕДЕС БЕНЦ LOW FLOOR КОМЕНТО" ва "ISUZU" автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**ОЙЛИК МАОШЛАР: "МЕРСЕДЕС БЕНЦ" автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун:** 350 000 дан 400 000 сўмгача

**Чиптачилар учун:** 150 000 сўмдан юқори.

**"ISUZU" автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун:** 250 000 дан 300 000 гача.
**Чиптачилар учун:** 150 000 дан юқори.

**Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона)**

Ўзбекистон Миллий университетида фаолият юритаётган

**«ШАҲНУР ИНТЕЛЛЕКТ»**

**ЎҚУВ–ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ**

**Абитуриентлар, коллеж ва академик лицей ўқувчиларини математика, физика, химия, биология, тарих, география, чет тили, рус тили, она тили ва адабиёт фанлари бўйича олий ўқув юртларига киришлари учун тест синовларига сифатли тайёрлайди.**

**Мактаб ўқувчиларини коллежларга ўқишга киришлари учун барча фанлардан тайёрлайди.**

**Машғулотлар кичик гуруҳларда ташкил этилади. Ҳар бир фан бўйича ҳафтасига 6 соат дарс ўтилади. Назарий материаллар тўлиқ баён этилади. Амалий машғулотлар «Ахборотнома»лар ва тест вариантлари асосида ўтказилади. Дарсларни Ўзбекистон Миллий университетининг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар.**

**МАНЗИЛ: Метронинг «Беруний» бекати, Ўзбекистон Миллий университети, Механика-математика факультети 1–қават, 107–хона.**
**ТЕЛЕФОНЛАР: 155-48-50, 422-23-95.**

**«УМИД ВА ИШОНЧ»**

Лиц. № 2677

**Тиббиёт маркази қуйидаги касалликлар бўйича беморларга хизмат кўрсатади:**

- Терапевт-кардиолог
- Невропатолог (болалар ва катталар)
- Оғиз бўшлиғи, қулоқ, томоқ (ЛОР)
- Уролог, гинеколог
- Лаборатория
- ИФА методика (хламидиоз, уреоплазма, ЦМВ, герпес, Т3, Т4, ТТГ, пролактин, прогестерон, ФСГ, ЛГ, тестостерон)

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш. Бешёғоч даҳаси, 1-уй. **МЎЛЖАЛ:** «Истиқлол» санъат саройи, Банклар ассоциацияси. **Мурожаат учун телефон:** 245-07-42; 245-07-72

Устоз...

Мураббий...

Ҳаммамиз учун ниҳоятда қадрли сўзлар бу!

Эслайлик, илк бор мактаб остонасига қадам қўйган лаҳзамиздан бизларни очиқ чеҳра, самимий меҳр билан қаршилаган инсон ўқитувчи эмасмиди?

Улар кеча ҳам, бугун ҳам, ҳамиша сизу бизнинг камолимизни, бахтимизни ўйлаб яшайдилар.



## «БЕКТЕМИРСПИРТ» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

**Барча маърифат фидойиларини ўқитувчилар ва мураббийлар байрами билан муборакбод этади!**

**Азиз устозларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хотиржамлик тилаймиз! Илоҳим, ҳар бирингизга савобли меҳнатингиз роҳатини кўриб юриш насиб этсин!**

# *Таъзим сизга, азиз устозлар!*

*ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ*

# ИСМИДАН НОРИЗО БЎЛМАСИН!

**Ўзбек халқи азал-азалдан ўз фарзандига муносиб ном қўйишга масъулият билан ёндошган. Туғилган чақалоқни қандай исм билан аташ муҳокама этилиб, энг мақбули танланган. Шу нуқтаи назардан фарзандларимизга исм қўйишда ҳам ўзимизга хос миллий анъаналаримиз бор.**

Одатда, расмий ҳужжатларда «исми шарифингиз» деган сўров мавжуд.

Хўш, «шариф» сўзи қандай маънони англатади? «Шариф» сўзининг луғавий маъноси қадр-қимматли, инсоният фахри, шарофати азиз, шарафли, улуғ, юксак маъноларни англатади. Ана шу эҳтиром эвазига халқимиз шарифни киши исмига қўшиб «исми шариф» деб атаганлар.

Халқимизнинг киши исмини бу қадар юқори даражага кўтаришининг боиси инсоннинг бутун мавжудот олдида улуғ зот эканлиги ва унинг буюклигини англатишдир.

Улуғ боболаримиз ўзларининг ҳаётий тажрибаларида фарзандларга танлаб, маъно жиҳатдан мукаммал саналган исмларни қўйиш ҳаётда уч асосий вазифани ўташини синовдан ўтказишган.

**БИРИНЧИДАН,** исм ҳар бир шахснинг ўзини бошқалардан ажратиб турувчи ягона номи, фахри, ёруғ дунёга келгандан кейин эга бўлган илк муқаддас мулки.

**ИККИНЧИДАН,** боланинг исми фақат ўзи эмас, балки шу хонадоннинг келажаги, баркамоллиги учун ҳам зарур.

**УЧИНЧИДАН,** исм — энг катта тарбия воситасидир. Яхши исм ўз эгасининг хулқ-атворига, табиатига, етуклигига ижобий таъсир кўрсатиши ҳаётий тажрибада тасдиқланган.

Жумладан, Абдулло, Анвар, Акбар, Асила, Дилшода, Нодира каби исмлар мазмун жиҳатидан улуғловчи номлардир.

Иш фаолиятим даврида баъзан Ҳосилот, Қилич, Айиқбой, Тўғон, Қозоқ, Ёмонқул, Сарибой, Улашой, Улбўсин, Улбозор каби исмларга ҳам дуч келаман. Йиллар ўтиши билан бундай исм эгалари ўз номидан норози бўлиб, бизга мурожаат этиши табиий. Ваҳоланки, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларидан бири унга муносиб исм қўйишдир. Токи, шу исмдан фарзанд улғайганда ҳам норизо бўлмаслиги лозим. Бу масалани биз ижобий ҳал этаяпмиз, албатта. Сабаби «Оила» кодексининг 69-70-моддалари ва «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли ФҲДЁ қоидаларининг 154-165-бандларига асосан вояга етмаган бўлса, 16 ёшгача — ота-оналарининг биргаликдаги аризалари билан 16 ёшга тўлгандан сўнг ўзларининг аризаларига асосан туғилганлик ҳақидаги далолатномаларга ўзгартириш киритиб, янги исм билан ҳужжат олиш мумкин.

Шу муносабат билан ота-оналарга айтар сўзим — ўз фарзандингизга «юк» бўлиб, ақлини таниганида уларнинг идорама-идора юриб, «исмимни ўзгартириб беринг», деб овора бўлмаслиги учун ном танлашда адашманг. Болага қўйилган ҳар бир исм, аввало сизларга ҳам, фарзандларингизга ҳам чексиз севинч, қувонч бағишласин. Сизлар танлаган исм ҳар бир фарзандда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотган чоғдагина фарзандларимиз ўз исми билан фахрланиб яшайдилар. Муҳими, ҳар бир исм уларнинг шахсий ҳаётда истиқбол йўлини очиб беради.

**Холбуви МАНСУРОВА,**
**Жиззах вилояти,**
**Пахтакор туман ФҲДЁ**
**бўлимининг мудираси.**


## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## «ZEHN–SHANS»

## ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

*Абитуриентларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.*

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтасига 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

***Машғулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.***

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

**ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

# БОЛА НЕГА ЙИҒЛАЙДИ?

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА



**Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини истайди. Она қорнида ҳомила пайдо бўлгандан бошлаб, унинг парваришига жиддий эътибор беради. Чақалоқ туғилгач, саломатлиги назорат қилингандан кейин ҳомила даврида бола қандай ривожланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ота-оналаримиз тез-тез тўқнаш келаётган ва уларни жиддий ташвишга солаётган бир касаллик бор. У ҳам бўлса, чақалоқларнинг «Бош мия ички босими» билан туғилишидир.**

**Дунё тараққий этгани сари касалликлар ҳам ёшаряпти. Бу хасталик аввваллари фақат 60-70 ёшлардаги инсонларда учраган бўлса, ҳозирги пайтда янги туғилган чақалоқларда ҳам «Бош мия ички босими» кузатиляпти. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Ушбу саволга жавоб олиш мақсадида Тошкент шаҳар 1-болалар шифохонасининг олий тоифали шифокори, невропатолог Озода Кенжаевага мурожаат қилдик.**

— 3 ёшгача бўлган болалар орасида «Бош мия ички босими» касаллиги билан оғриганлари 25-30 фоизни ташкил қилади, — деди суҳбатдошимиз. — Боладаги бу хасталик онанинг ҳомиладорлик даври билан боғлиқ. Ҳомиладор аёлнинг 9 ой давомида учраган касалликларининг (камқонлик, иммунитети пасайиши, гриппга чалиниши, асабий зўриқиш) барчаси болага салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай ҳолатларда болага кислород етарли миқдорда етиб бормайди.

**— Бу хасталикнинг илк белгиларини қандай билиш мумкин?**

— «Бош мия ички босими» билан туғилган бола энг аввало кўп йиғлайди. Ички босим кўтарилгач, унинг боши қизийди, доимо безовта бўлади. Бошини орқага ташлайди, қусади. Боланинг кўзлари катта-катта очилиб, қорачиғи пастга тортади. Буни биз «Ботаётган қуёш симптоми» деймиз. Бундай чақалоқларнинг бош миясини ультратовуш орқали текшириб, сўнгра керакли муолажаларни буюрамиз. Даволаниш давомида боладаги ҳамроҳ касалликлар, яъни грипп аломатлари учраса, камқонлик ёки рахит белгилари аниқланса, бу касалликларни ҳам бартараф этиш зарур. Агар бола жуда озғин, нимжон бўлса, уни биринчи навбатда тўғри овқатлантиришга эътибор бериш лозим. Она сутидан ажратилган бола бир кунда беш маҳал овқатланиши керак. Унинг таркибида — қайнатма шўрва, гўштли котлет, творог, қатиқ, мева, мева шарбатлари, гуручли ҳамда геркулесли бўтқалар бўлса, болада ижобий натижалар сезилади ва у соғлом ривожланади.

**— Касаллик қачонгача давом этади. Бутунлай тузаладими ёки кейин асорати қолмайдими?**

— Ундан қутулиш мия босимининг даражасига боғлиқ. Агар босим паст даражада бўлиб, вақтида даволанса, албатта тузалиб кетади, асорати қолмайди. Агар босимнинг юқори даражадалиги сурункали давом этса, боланинг боши гавдасига нисбатан каттароқ бўлади. Бош томирлари кенгаяди. Бундай ҳолатларда бола шифокорнинг доимий назоратида бўлиши шарт.

**— Наслдан наслга ўтиши ҳам мумкинми?**

— Агар онада бу касаллик бўлса-ю, унинг ҳомиладорлик вақти осойишталик билан ўтса, болага ўтмайди. Она кўп асабийлашса, витаминлар етишмовчилиги сезилса, уйқуга тўймаслик ҳолатлари бўлса, бола анча димиқади ва шу аснода онанинг бу касаллиги болага осонликча таъсир кўрсатади.

**— Болалари шу дард билан туғилган оналарга маслаҳатингиз?**

— Шундай хасталик билан туғилган болаларимизни 1 ёшгача эмланишлардан озод қилган маъқул. Ҳар 3 ойда невропатолог кўригидан ўтиб туришлари керак. Уларга алоҳида эътибор қаратиш, тартибли овқатлантириш, вақтида ухлатиш, ҳар куни соат 8, 11 ларда офтоб нуридан тўйинтириш, тоза ҳавода сайр қилдириш ижобий натижа беради. Мен доимо бўлғуси оналарга энг аввало асабларини асрашни маслаҳат бераман. Чунки ҳаммамизнинг жисму жонимизнинг қай ҳолатда бўлиши руҳиятимизга, кайфиятимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз миқёсида «Соғлом она — соғлом бола» дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

**«Оила ва жамият» мухбири Барно МИРЗААҲМЕДОВА суҳбатлашди.**

# «САККИЗИНЧИ» САЙЁРА

## она замин бағрида юртдошларимиз дардига малҳам бўлаяпти

Сайёра Шерқобилова номини ўн йил аввал ҳеч ким билмасди. Оддийгина, камсуқум шифокор дастлаб ўз мутахассислиги бўйича болажонлар саломатлиги йўлида тинмай изланди. Аксарият оилалар бу қўли енгил, меҳрибон аёлдан яхшилик кўрди. Ва орадан кўп ўтмай, тиниб-тинчимаган Сайёра қашқадарёлик тиббиётчилар орасида биринчилардан бўлиб хусусий шифохона очиш ташаббуси билан чиқди. Яна денг, ҳазилакам иш биланмас, аксинча, дунё тиббиётчиларини неча асрларки, ўйлантириб, ҳатто "бедаво" деган хулосага келинган витилиго (пес) хасталигига чалинганларни тиббиёт ва халқ табобати анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда даволайдиган марказ очишни ният қилган эди. Очиғини айтиб қўя қолайлик, ўшанда Сайёра Шерқобилованинг тушга ҳам кирмайдиган бу таклифини эшитганлар унга ғалатироқ муносабатда ҳам бўлишганини энди унинг ўзи кулимсираб эслайди. Негаки, бизда ўзи шундай, хайрли ишни бошлайман деганларни тинглаш ёки қўллаш ўрнига, унга иложи борича тўсқинлик қилишга уринишади.

ОДАМЛАР ОРАСИДА



Лекин Сайёра опа ҳам анойилардан эмаслигини ва барибир бу савобли қадами бир кун келиб албатта самара беришига қаттиқ ишонди. Мана энди, орадан ўн йил ўтгач, ўшанда унга хайрихоҳ бўлганлар-ку шодмон, аммо иккиланганлар эса пушаймон. Хуллас...

Йўқ, биз бугун бу савобталаб замондошимиз фаолияти хусусида батафсил сўз юритмоқчи эмасмиз. Аксинча, бевосита унинг ташаббуси билан яқинда Китоб туманидаги Қорасув **(тасодифни қарангки, бу гўша Оқсув дарёси ёнгинасида— муал.)** қишлоғида жойлашган "Табобат" хусусий шифохонасида "Инсон саломатлиги — жамият бойлиги" мавзуида ўтказилган илмий-амалий семинардан олган айрим таассуротлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

*"Бизда асосан апрелдан август охиригача яъни қуёш нури етарли даражада тараладиган муддатгача беморлар муолажа олишади. Чунки тиббий воситалар билан табиатнинг нодир неъмати — қуёш нури воситасида "витилиго"ни даволаймиз."*

**(Худойназар ҲАЙИТОВ, шифохона бош шифокори)**

*"Сайёра чин маънода фидойи. У қанчалаб юртдошларимиз дардига малҳам бўлаяпти. Унинг ўрнида бошқа шифокор бўлганида эҳ-е, кунора ўзини реклама қилдирарди. У эса ҳеч қачон мақтанмайди. Шунинг учун ҳам обрўси баланд".*

**(Лола ЎРОҚОВА, туман ҳокимлиги бош мутахассиси)**

*"Айримлар шундай касалликка чалинганлардан ўзини олиб қочади. Сайёрахон-чи, уларга ўз жигаридай, ўз фарзандидай муомалада бўлади. Менинг ўзим ҳам тиббиётчиман. Бир бемор "ўзимизнинг Тангем" дебди уни. Йўқ, азизлар, Сайёранинг қайси юртда, қандай улуғ халқнинг оддий бир вакиласи эканини унутмайлик. Ахир бизлар Ибн Сино бобомиз билан дунё миқёсида қай даражада фахрланишни биламиз-ку! Шундайларни қадрлайлик."*

**(Қўлдош ҚУВВАТОВ, вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори)**

Бундай самимий эътирофларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин энг муҳими, ана шу ўтган ўн йил ичида "Табобат" хусусий шифохонаси томонидан олиб борилган жиддий изланишлар ўз самарасини бергани ҳамда шу боис ҳам келгусида айнан шу жойда республика миқёсида илмий марказ фаолият юритиши режалаштирилаётгани таъкидланди. Машварат сўнгида шифохона асосчиси, айни пайтда пойтахтда малака ошираётган Сайёра Шерқобиловага сўз берилганида у секингина ўзини ўраб олган даврадошлари — республикамизнинг турли бурчакларидан шифо истаб келганларга ишора қилди. Уларнинг ҳаммаси ҳаяжон ва кўзларида ёш билан ўзларининг севимли шифокорларига қараб, қўлларини кўксиларига қўйиб, таъзим қилишди...

**Умрзоқ ҚОДИРОВ**

ТАБИАТ—ДОРИХОНА

Бақлажон кимёвий таркибида қанд, крахмал, пектин, органик кислота, оқсил, глютамин ва аспаргин кислоталарини сақлайди. Шу билан бирга, дармон-дорилардан C, B1, B2, B6, PP, фолий кислота, кальций, магний, фосфор, темир, йод сингари макро ва микро элементлар ҳам бор.

Олимларнинг таъкидлашича, бақлажон қуйидаги шифобахш хусусиятларга эга:

# БАҚЛАЖОН —



# ЖОНГА ДАРМОН

➔ кераксиз суюқликнинг аъзои танадан ўз вақтида чиқиб кетишига ёрдам беради;

➔ ичак фойдали микроорганизмлари мувозанатини мўътадил сақлаб, ундаги фасодли чириш жараёнларини сусайтиради;

➔ бод хасталиги ва семизликда паст калорияли бўлганлиги туфайли эм бўлади;

➔ узоқ вақт мобайнида мунтазам равишда истеъмол қилинганда қондаги холестерин миқдори кескин пасаяди.

Бақлажон паришонхотирлик (атеросклероз)да парҳез сифатида ҳам тавсия этилади. Ўт (сафро), буйрактош хасталикларида яхши наф келтиради. Таркибида калий моддаси сақлангани учун юрак фаолиятини яхшилайди ва пешобни ҳайдайди. Шунинг учун юрак-қон тизими хасталигида, юрак шишганда, буйрак, жигар хасталикларида камқонликка чалинган беморларга парҳез сифатида қўлланилади.

Шуни ёдда тутинг, ошқозони дардга чалинган кишилар бақлажонни эҳтиётлик билан тановул қилишлари даркор. Яхшиси, шифокор билан маслаҳат қилгани мақсадга мувофиқ бўлади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

# ИЙМОНДАН АЙРИЛМАНГ

Манзуранинг анчадан бери хаёли паришон. Сумкасида неча кундан буён олиб юрган мактубни қўлга олганида кафтини, эслаганда юрагини куйдириб юборяпти. Нима қилишга боши қотди. Бировга маслаҳат солай деса, ғурури йўл бермаяпти. Наҳот Отабек акаси ундан совиган бўлса? Наҳотки, болалари кўзига кўринмаган бўлса? Балки бу бир туҳматдир? Тагига етсинми, аммо қандай қилиб? Эрининг қадамини пойлаб юрганини биров билиб қолса, унинг обрўйига, оиласи шаънига доғ тушмайдими? Одамлар гап-сўз қилиб юборса-чи?.. Хуллас, Манзуранинг дарди ичида.

Ўтирса ҳам, турса ҳам ҳаловати йўқ. Ишдан кеч келиб, эрта кетадиган эрининг юзига ҳарчанд термулса-да, ҳаракатларини синчковлик билан кузатса-да, аниқ бир хулосага келолмаяпти. Тўғрироғи, мактубдаги гапларга ишонолмаяпти.

Шундай ташвиш ичра дилхун юрган кунларининг бирида қўл телефонига хабар келди: «... уй, ... хонадонга тез етиб келсангиз, ўз кўзингиз билан ҳаммасини кўрасиз, фақат тез!»

Манзура дарҳол хабар сўнггидаги рақамга қўнғироқ қилди.

— Алло!

— Алло, ким бу? Ҳозир менга шу рақамдан хабар келган экан...

— Мен сўзлашув пунктида ишлайман. Ҳозир бир аёл телефонимдан фойдаланганди, уни танимайман.

Манзура беҳол ўтириб қолди. Сўнг ток урган одамдай сакраб ўрнидан турди-да, кийина бошлади.

— Ойи, қаёққа? — сўради ўғли.

— Мен бир жойга тез бориб келаман. Сен укаларингга қараб тур, хўпми? Тез қайтаман.

Автобуснинг келишига ҳам тоқат қилмай, Манзура такси тўхтатди. Манзилни айтди ва ҳайдовчидан тезроқ юришни тайинлади. Унинг юраги ҳаприқар, елдек учиб бораётган «Матиз»нинг янада тезроқ юришини истарди. Аммо чиндан ҳам эри ўша ерда бўлса, қандай йўл тутишини билмасди.

— Синглим, ташвишли кўринасиз? — ҳайдовчи олд ойнадан Манзурага боқди. Манзура қовоқларини баттар уюб олди. Саволга жавоб бергиси келмади.

— Тинчлик... — тўнғиллади. Ичида «Сенга нима? Йўлингга қарамайсанми ундан кўра?» деб ўйлади.

Шофёр амаки унинг тез-тез қўл телефонига қараб қўяётганидан сездими ёки табиатан сезгирми, яна гап бошлади:

— Қизим, болаларингиз бордир?

— Ҳа.

— Ўша, сиз айтган жойга боргандан кўра болаларингизнинг оғзига бир қошиқ иссиқ тутиб, улар бағрида ўтирганингиз яхши эмасми?

— Менга қаранг, сиз нима демоқчисиз ўзи? — Манзура неча кунлик аламларини ҳайдовчидан олмоқчидай унга бақириб юборди. — Мени у ерга нима сабабдан кетаётганимни қаердан билардингиз?

— Ё эрингизни пойлаб кетаяпсиз, ё..

— Бас қилинг! Сафсата тўқигунча тезроқ бўлинг. Сиз мени қанақа аёл деб ўйлаяпсиз ўзи?

— Самимий чеҳрангизни кўриб, гапирмасликдан ўзимни тийиб тура олмадим, кечиринг, синглим. Балки у ерга бормаслигингизни истаётгандирман. У ер яхши жой эмас...



Манзуранинг ғазаби ўрнини бир онда қўрқув эгаллади. Яна бир зумдан сўнг ўзига-ўзи аста шивирлади: «Йўқ, бугун бир ёқлик қилишим керак. Бунақа хўрланиб яшагандан кўра, ё бор, ё йўқ қилганим яхши!»

У сезмасди, кўз ёшлари юзларини ювиб тушар, вужуди оташ ичра ёнаётгани боис қайноқ ёшларининг тафтини сезмасди. Кўз олди хиралаша боргани сари уйдаги болалари — бўйи чўзилиб, капкатта йигит бўлиб қолган ўғли, дадасини ойисидан ҳам ортиқ яхши кўрадиган қизчаси сиймоси ҳам хиралашиб борарди.

Назарида, улар мунғайиб қараб туришибди. Ҳозир ўша хонадонга ҳам борди дейлик, эҳтимол, эри ўша ердадир. Кўради, билади унинг хиёнат қилганини. Кейин нима бўлади? Албатта, эри билан ажрашади. Ўғли ўртоқлари олдида қандай бош кўтариб юради? Қизи-чи? Отасизликка кўника олармикан? Бир ўзи бўйи билан бирга ташвишлари ҳам ўсиб бораётган болаларининг уддасидан чиқа оладими? Ўзи-чи? Шубҳа-гумонларга кўмилиб яшашдан чарчади-ку! Яна қанча тоқат қилсин? Бу азобни фақат тотиб кўрганлар билади. Ахир... Ахир, эрини севади, севарди... Ундан айро яшай оладими?

— Амаки, машинани ортга буринг. Мени уйимга ташлаб қўйинг, илтимос!

Шофёр ойнадан унга кулимсираб қаради. Боядан бери ташвишли алфозда бўлган юзи ёришиб кетди унинг. «Ўзингга шукр!» — деди шивирлаб.

Манзура зиналардан уйига кўтарилар экан, ўзига ўзи сўз бера бошлади. «Кўнглимдан шубҳа-гумонларни қувиб чиқараман, агар эрим менга хиёнат қила бошлаган бўлса, бир куни албатта, жазосини олади. Мен сабр қиламан, бир куни қадримга етади, бахти, ҳаловати оиласида эканини тушунади!»

У эшик қўнғироғини устма-уст чалди. Эшик очилди. Қоронғи зинани эшикдан тушган нур ёритиб юборди. Шу билан бирга Манзуранинг кўнглини ҳам.

— Ойижон, келдингизми? — овозлари дўриллаб қолган ўғли бўйнига осилди.

— Келдим, ўғлим, синглинг қани?

Манзура саволига жавоб олиб улгурмасидан ичкаридан эркак кишининг овози эшитилди. Сўнг қизининг қийқириб кулгани.

— Уйда ким бор?!

— Дадам... — ўғил ажаб ифода зоҳир бўлган онанинг юзига ҳайрат билан тикилди.

— Ҳа, ойиси, овозимни ҳам танимай қолдингизми? — ичкаридан чиқиб келган Отабек қизчасини кўтариб олганча уни кулиб қаршилади. — Энди ҳар куни эрта келаман ишдан, бўлмаса мени унутиб юборасизлар шекилли.

— Ассалому алайкум... — Манзура туфлисини ечиш баҳонасида ерга қаради. Гўё эри унинг кўзларидан қаердан келаётганини сезиб қоладигандай ундан нигоҳини яширар ва хаёлан кекса шофёр амакидан миннатдор бўлаётган эди...

**Шаҳло ТОШБЕКОВА**

АЖИБ ОЛАМ

## «ОСКАР» АМАКИМГА ЎХШАРКАН



Деярли дунёга машҳур бўлган фильмларнинг ҳаммаси Голливуд томонидан тақдирланган. Албатта, Оскар мукофоти билан. У бошқа санъатдаги мукофотларга нисбатан жуда ҳам қадимий ҳисобланади.

1927 йилда "Оскар" мукофотини таъсис қилиш масаласи кўриб чиқилади. 1929 йилга келиб биринчи мукофот берилади. Аммо ҳали ўшанда ҳам қандайдир жанобнинг бир қўлида қилич, яна биттасида эса қутидаги плёнка ушлаб турган ҳайкалчаси йўқ эди. 1931 йилга келибгина уни ясашади. Хўш, нима учун уни Оскар, деб аташади? Бу Голливуднинг сирли афсонаси бўлиб, унга кўра "Америка кинематография санъати ва фани академияси"да ишлайдиган оддий котиба бу ҳайкалчани кўриб кулади ва менинг амаким Оскарга жуда ўхшар экан, деб ҳазиллашади. Шу кундан бошлаб бу мукофотни ҳеч ким Америка кинематографияси санъати ва фанининг мукофоти деб атамайди. Балки оддийгина қилиб, "Оскар", дейишади.

Ҳа, оддийликнинг бир зумда юқори баҳога эга бўлиши ҳаётда кўп кузатилган.

## "ЖИГУЛИ" ДЕМАНГ...

Волга автомобил заводи (ВАЗ) маҳсулоти бўлган бежирим енгил машиналар ўзининг турли русумлари билан неча йиллардан бери автоишқибозларининг эътиборидан четда қолмай келмоқда. Уларнинг аксариятини сиз "Жигули" номи билан яхши биласиз. "Жигули" машинаси Швецияга экспорт қилинишидан аввал "Лада" дея қайта номланган. Сабаби, "Жигули" сўзи Скандинавия тилларида жудаям ёқимсиз маънони англатар экан. Бу муаммони ҳал қилиш учун фирма ҳамкорларидан бири Владимир Пришчев унга "Лада" дея ном беришни таклиф қилган. Бу ном унинг қаллиғининг исми эди.

**Наргиза САРИМОВА** тайёрлади.

АЖАБО!

# РАНГЧИНИНГ ҚОРА РАНГИ

Санобар хола эндигина қўшниникига чиқмоқчи бўлиб турганда биров чақириб қолди.

Қараса, дарвоза олдида ёшгина, қорачадан келган жувон турибди.

— Санобар хола сизмисиз? — сўради ҳалиги аёл.

— Ҳа, келинг, тинчликми? Сизни танийолмай турибман.

— Сайёра қизингиз уйингизнинг манзилини тушунтириб, шу рангни олиб қолишингизни айтиб юборганди, — дея у қўлидаги тугунчасини ерга қўйди ва ундаги халтачадан тўрт қошиққина рангни қоғозга ўраб узатди.

— Қизимга ранг нимага керак бўлиб қолдийкин? — таажжубланди хола.

— 2500 сўм беринг, кейин ўзидан сўраб оласиз, — дея, пулни олиб, «рангчи» жувон тезда лаш-лушларини йиғиштириб жўнаворди.

Эртасига Сайёра кириб келди.

— Ҳой, қизим, рангни нима қилмоқчи эдинг? — сўради она хайрон бўлиб.

— Қанақа рангни? — ажабланди у.

— Ахир бир аёлдан "онам 2500 сўм бериб, тўрт қошиққина ранг олиб қолсин", дебсан-ку!

— Ие, ҳали бу рангчи сизниям алдаб кетдими?

— Бу нима деганинг? Наҳотки?!.

Қизининг айтишича, алданган битта у эмас экан. Бу рангсотар жувон ёлғон-яшиқ сўзлар билан бир-икки кун ичида қўшни маҳаллалардаги кўпчилик хонадон бекаларини "чув" тушириб кетибди. Энг қизиғи, бегона аёл уларнинг ҳар бирининг манзилини топиб келиб, аниқ исмларини айтиб гапиради. Хўш, бу маълумотларни унга ким беради? Албатта, шу атрофдан бирон киши-да!

Халқимизда **«Маҳалла — митти Ватан»**, — деган гап бор. Маҳалла-кўй кўни-қўшни хушёр бўлмаса, бундай товламачилар кўпларни алдаб юраверади. Зеро, "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" деб бежиз айтилмаган.

**Шаҳзода АКБАРОВА**

«VISION» — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

ЛАЙФПАК ЮНИОР

*Болажонлар учун витамин ва минераллар тўплами кучли антиоксидант бўлиб, иммунитетни оширади, кўриш қобилияти, суяк тўқимасининг ўсишини яхшилайди, ўсма касалликларига қарши курашувчанликни оширади. Юрак қон-томир хасталиклари билан касалланишни камайтиради.*

- Бўйни ўстиради.
- Камқонликни бартараф этади.
- Бронх йўлларини даволайди.
- Иштаҳани очади.
- Тинчлантирувчи восита ҳисобланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 63 уй.
E-mail: djalilova1979@mail.ru
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(+998-97) 777-88-22

Маҳсулот сертификатланган №049449



НАСР

# ...ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУҒ

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи**

**(Охири. Боши ўтган сонларда)**

Аброрнинг у учун қилаётган чиқимлари аёлни хавотирга соларди. Аммо бу одамга бир нарса деб эътироз билдиришга ботинолмасди. Усталар қатори овқатланган Аброр шом аралаш Зулайҳо ва болалари билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Эртаси эрталаб келиб иш кийимларини кийди-да, ошхона ва ғазнахонани чиройли қилиб оқлаб берди. Сўнгра шошиб турганини айтиб, тушликка ҳам ўтирмади. Шу кетганча Аброр бир ҳафтадан кейин келиб, Зулайҳонинг чорбоғидаги тепаси нураган деворни лойсувоқ қилиб берди. Қўшнилар бу эркакни уста деб ўйлашди шекилли, Зулайҳонинг ён қўшниси Моҳира, «ўвв, кеннойи, қурилишни бирдан тезлаштириб юборибсизку, нима Султонга тўй берасизми», деб қолди. Зулайҳо кулиб қўйди, аммо жавоб бермади. Ичидан қиринди ўтди, боласининг қўлини ҳалоллаб қўйган, лекин эл қатори юртга ош беролмагани эсига тушди. Ҳозир катта тўй қилиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди, ахир. Зулайҳо ҳам қуруқ ойликка яшайди. Боғдан чиққан мева-чева, экин-тикин ҳам кунига ярайдию, асосий харажати бозор билан.

Аброрнинг қўли теккан жойларга файз кира бошлади. Тез орада болалар ҳам бу меҳрибон амакиларига кўникиб қолишди. Аброр айниқса, кичкина Зулфизарни қўлидан қўймас, унга эртаклар айтиб берар, музқаймоқ, ширинликлар билан сийларди. Султонга эса шахмат ўйнашни ўргатди.

Бир куни Зулфизар болаларча беғуборлик билан:

— Аяжон, Аброр амаким биз билан яшасинлар, деб қолди.

Зулайҳо қизини секин қўлидан тутиб, ўзига тортди:

— Акангга қарагин-чи, сенга арғимчоқ ясаётганди. Аброр Зулайҳонинг юзлари қизариб кетганини сезди. Ўзи ҳам шу тобда қизчанинг гапидан эсанкираб қолганди. Кейин иккаласи ҳам бу вазиятдан чиқиб кетиш учун, устанинг ишини кўриш учун ошхонага чиқишди.

— Султон, синглингга қара, арғимчоқ учаман, дейди.

— Амаким менга аллақачон арғимчоқ ясаб берганлар, ойи.

Аброр ошхонадаги кам-кўстларни, чироқларни тузатди. Зулайҳо ич-ичидан бу ҳокисор одамдан миннатдор бўлиб турса-да, қўшнилардан истиҳола қиларди.

— Зулайҳо...

Аброрнинг овозидаги титроқ Зулайҳонинг вужудини ёндирди.

Уйга кириб қолган Зулфизар Аброрнинг қўлидан тортқилади:

— Амаки, мени арғимчоқда учиринг!

Аброр жингалаксоч қизни қўлига кўтариб олиб, уни арғимчоқда учира бошлади.

— Бу қизни ҳеч ким биринчи синфда ўқийди демайди, шайтонча! Зулайҳо қизининг амакиси билан дарҳол тил топишиб кетганига қойил қолганча нари кетди.

Ўғли Султон учинчи синфда ўқийди, анча эси кириб қолган. Бир куни дабдурустдан онасидан Аброр амакисини сўраб қолди:

— Ойи, Аброр амаким яхши одам экан-а, менга ёқди. Сизга-чи? Зули ҳам уни яхши кўради, — деди.

Зулайҳо кулиб қўйди, аммо ичида нимадир "йилт" этгандек бўлди.

— Ойи, амаким бизникига тез-тез келиб турсинлар.

Велосипедини бир ҳафтадан бери тузатолмай хуноб бўлаётган Султон бахтиёр эди:

— Амаким сиз ишдалигингизда келиб тузатиб берди. Амаким ҳамма нарсани билади, ойи. — Боласининг қувончи ичига сиғмасди.

Энди телефонда Зулайҳо бир ёқда қолиб, болалари Аброр амакиси билан гаплашишар, ўз "дардлари"ни тортинмай айтишарди. Уларнинг суҳбатларига маҳлиё бўлиб қоладиган Зулайҳо оилада эркакнинг ўрни қанчалик муҳимлигини ҳис этар, Султонининг инсофли, ақлли йигит бўлиб улғайишини сўрарди.

Аброр ҳам эринмай уларнинг истакларини бажо келтирарди. Бора-бора болалар амакиларига қаттиқ ўрганиб қолишди. Қўни-қўшнилар орасида бир-икки гап оралаб қолди. Аввалига уни уста деб қабул қилганлар энди Зулайҳодан шубҳалана бошлашди. Аброр Зулайҳоникида узоқ қолиб кетмасди. Аммо болалар билан кўча-кўйда тез-тез учрашиб турарди.



Бора-бора бир-бирига ўрганиб қолаётганини сезган Зулайҳо билан Аброр учрашганларида гап тополмай қолишарди. Ўзаро суҳбатлар салом-алик ва арзимас гаплардан нарига ўтмасди. Улар бир-бирларини хафа қилиб қўйишдан чўчиб яшардилар гўё.

Ўз туйғулари тўғрисида энди гап бошламоқчи бўлган, Аброр аёлнинг маъсума нигоҳига боқиб сўзини йўқотиб қўярди.

"Сиз маъсума аёлсиз. Сизни ғоят қадрлайман"... Гулдаста ичидаги откриткага ёзилган ушбу ёзувни ўқиб, Зулайҳонинг кўзлари тиниб кетди. Неча йиллардан буён эшитмаган бу каби сўзлар унинг юрагини ўт бўлиб ёндира бошлади. Ўзи билмаган ҳолда Аброрга ўрганиб қолаётгани уни чўчитарди. У Аброрнинг оиласи бузилиб кетганидан бехабар эди. Бир куни телефонда Аброрга «янгамни олиб меҳмонга келинг», деди. Аброр бўлса «бунинг иложи йўқ, Зулайҳо», дея олди, холос. Эртаси куни уларникига бир тўрва мева кўтариб келган Абрордан Зулайҳонинг биринчи сўрови шу бўлди:

— Янгамни олиб келмабсиз-да...

— Биз... ажрашганмиз, Зулайҳо. Ўтган йили... Хуллас, сиз билган гап. Бир-биримизнинг йўлимизга тўғаноқ бўлмайлик деб... Тақдир экан.

— Кечиринг, билмабман. Мен ҳозир... чой олиб келаман.

— Зулайҳо, мен бирровга кирдим, илтимос ўтиринг. Эртага болаларни табиат қўйнига олиб чиқсак, дегандим.

— Нега... Ҳалиги... Аброр ака...

— Илтимос, йўқ деманг, Султонга ваъда бергандим, балиқ овига олиб бормоқчийдим, илтимос, йўқ, деманг, ўтинаман.

Қаршисидаги ўзи учун азиз инсонга айланиб бораётган одамга эътироз билдирай деса ранжийди, розилик берса одамлар нима дейди? Наҳотки, бу одам Зулайҳонинг ишончига кириш учун болаларидан фойдаланаётган бўлса? Йўқ, бунақа эмас. Йўқ... Нега унда...

Зулайҳонинг юраги потирлаб урарди. Нима қилсин?

— Аброр ака, сиз Султонни олиб бора қолинг, ҳалиги... Менинг ишларим кўп эди...

Аброр аёлнинг ичидаги гапларни тушунгандек бўлди.

— Сиз нима десангиз шу... Сизни безовта қилгим йўқ, демак эртага эрталаб Султонни олишга келаман.

Эрталаб Зулайҳо Султонни уйғотди-да, қорнини тўйғазди. Кейин кийинтириб қўйди ва Аброрни кута бошлади. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло, Зулайҳо, илтимос, сира чўчимай Султонни йўл бошига чиқариб юборинг. Машинада кутиб турибман, қўшниларнинг олдида сизга ноқулай бўлмасин, дейман.

Зулайҳо ич-ичдан Абрордан миннатдор бўлиб кетди. Сўнгра у айтгандай қилиб дарвозадан Султонни кузатди. Ҳақиқатдан йўл бошида машина турарди.

Зулайҳо уйга кириб улгурмасидан яна телефон жиринглади:

— Зулайҳо, хотиржам бўлинг, Султон етиб келди. Йўлга тушдик. Яхши ўтиринглар. Аср вақтигача қайтамиз.

— Раҳмат, Аброр ака. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин.

Зулайҳо ихтиёрсиз равишда Аброрни эслай бошлади. Нега юрса, турса бу одам уйидан кетмаяпти. Охири бахайр бўлсин...

Аброр Султон билан ота-боладай бўлиб кетди. Энди Султон математикадан тушунмаганларини телефон орқали Абрордан сўрар, шахмат ўйнаш учун унинг уйига қатнарди.

Аброр Зулайҳони севарди, аммо бу ҳуркак аёлни чўчитиб қўйишдан, ўзидан узоқлашишидан чунонам қўрқардики, ўз муносабатлари тўғрисида сўз очишдан олдин жуда кўп ўйланарди. Охири бўлмади. Тинимсиз ўйлан, дея қисталанг қилаётган тоғасига юрагини ёрди. Боғда шафтоли тераётган Зулайҳо дарвозадан бегона одамнинг кириб келаётганини кўриб унга пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, амаки, келинг.

— Бардаммисан, она қизим. — Келган нуроний одамнинг аллақаери Аброрга ўхшаб кетарди. Зулайҳонинг юраги шув этди.

Амаки тилга кирмасидан ҳаяжон билан:

— Аброр акага бир нима бўлдими, сиз унинг кими бўласиз?! — дея сўради.

— Мени танийсанми, қизим. Ҳа, мен Аброрнинг тоғаси бўламан, аммо унга ҳеч нарса бўлгани йўқ, сен асти хавотирга тушма, она қизим, — деди меҳмон мийиғида кулганча.

Зулайҳо шошиб қолганидан нималар деб юборганини ўзи билмай қолиб, юзига қизиллик югурди. Шоша-пиша меҳмонни айвонга бошлади. Кўрпача солиб, дарҳол дастурхон ёзди. Амаки сира шошилмасди. Зулайҳони зимдан кузатиб турар-кан, оёғини хонтахта тагига узатганча ястаниб ўтирди. Кейин олдига югуриб келган болалар сўрашди. Уларга чакмонининг чўнтагидан қанд-қурс чиқариб берди.

Султон бу амакини дарҳол таниди:

— Бобожон, сиз амакимларникида яшайсиз-а? — деди шоша-пиша.

— Балли, мени танидинг-а, сен амакинг билан шахмат ўйнаётганингда мен сен томон бўлиб тургандим.

Зулайҳо пиёлага чой қуйиб узатаркан, билинар-билинмас қўллари титради. Ичида бу одам нима мақсадда келганини сезгандек бўлиб турарди. Охири болалар боққа чиқиб кетишгач, отахон салмоқли қилиб сўз бошлади:

— Болам, ўзингдан қолар гап йўқ, Аброр менга гарчи туққан ўғил бўлмасада, раҳматли опамнинг кўзининг оқу қораси эди. Ўз ўғлимдай ўстирдим. Афсуски, бахти чопмади. Келинимнинг айрим майда камчиликларини ҳисобга олмаганда дуруст аёл эди. Худо тирноқдан сиқди. Ўзи ёлғизгина бола бўлатуриб, яна изсиз ўтмасин деймаn, шу... бошларингни қовуштириб қўйсак... савоб бўларди. Ахир, сен ҳам жуда ёшсан, эринг ўтганига етти йилдан ошибди. Эшитдим. Ёлғиз аёлга жуда қийин, болам. Кампирим ўтганига ўн йилдан ошди. Худди бир томони ўпирилиб тушган жарга ўхшайман, болам. Ўзимдан ўтади, ўзим биламан. Ҳеч бандасини ёлғиз қилмасин худойим. Олдингга шунинг учун келгандим, яна ўзинг биласан. Жавобини Аброрга айт, болам. Унинг ўзи фақат сени деяпти...

Зулайҳо ерга қаради.

Амаки кўп ўтирмади. Дуога қўл очиб, ўрнидан турди. "Ўзингдан кўпайгин, болам. Бу ҳовлида ўғлинг ҳали отасининг чироғини ёқади. Сира эзилма. Аброр виждонли йигит, ўйлаб кўргин, қизим... — деди кета туриб.

Зулайҳо дарвозани ёпаркан, юраги гуп-гуп ураётганини ҳис этди. Оёқ-қўллари бўшашиб кетди. Келган одам унинг ёдига раҳматли эрини солди. Ўтган азизларини эслаб йиғлаб олди. Нима қилса, тўғри йўл тутган бўлади. Ахир, ўзи ҳам Аброрга ўрганиб қолган-ку, фақат ички бир туйғу ғалаён қилиб уни тўхтатиб турибди. Бу нима, раҳматли эрига садоқатми ёки?.. Ўзи ҳам билмайди.

Аброр бир ҳафта қўнғироқ қилмади. Неча марта Зулайҳонинг рақамини термоқчи бўлди, аммо тоғаси бориб келганидан буён унга телефон қилишга ботинолмайди. Зулайҳо хафа бўлиб қолган бўлса-чи...

Зулайҳо бўлса Абрордан хавотирда, нега қўнғироқ қилмаётганини тушунмайди. «Нега индамайди? Ахир, мен унга умримни бағишлашга розиман-ку!» Лекин бу розиликни қай тарзда билдиришни билмай хуноб. Болалари ҳам амакиларини соғинишганини айтишади. Охири Султон чидаб туролмади. У Аброрни излаб уникига борди ва ойисининг гапирмай қўйганини, нуқул диванга ўтириб олиб хаёл сураётганини болаларча беғуборлик билан тушунтирди. Аброрнинг эсхонаси чиқиб кетди. Демак, тоғасининг ташрифидан Зулайҳо хафа бўлган. Ниҳоят, юрак ютиб унга қўнғироқ қилди:

— Зулайҳо! Зулайҳо...

— Нима исмимдан бошқасини билмайсизми, Аброр ака. — Зулайҳо тилга кирди. — Ахир, эсимни оғдирай дедингиз-ку, нега жимсиз?!

— Зулайҳо, сиз, сиз... ҳаммадан бошқачасиз.. Сиз беғуборсиз, Зулайҳо... Сиз иродали аёлсиз. Мени тушунмайсизми, деб қўрқдим... Мен яна ҳаётга қайтаяпман, Зулайҳо! Сиз менинг ҳаётимсиз, ҳаётимсиз, ишонинг!

Аброр ҳаяжон ичра нималардир деб валдирар, орқасида тасбеҳ ўгирганча уни кузатиб турган тоғасини кўрмасди.

Севги ёш болага айлантириб қўйган жияни билан ўша самимият балқиб турган аёл аллақачон бир-бирига ўрганиб қолишганини ҳис этиб, ичида шукрона келтирган тоға эртагаёқ тўй тараддудини бошлаб юборишни ният қилиб ҳовлига чиқди. Ичкарида Аброр қайта-қайта Зулайҳонинг исмини айтар, ҳаяжонланиб унга нималарнидир тушунтирарди...

Ўқитувчи — энг қадрли ва мўътабар зот сифатида халқ орасида ўзига хос хурмат ва иззатга лойиқ кўрилиши бежиз эмас. Негаки, у катта ҳаёт остонасидан ҳатлаётган ҳар бир ёшнинг юрагига “таълим ва тарбия” деб аталган нодир фанларнинг ўчмас сабокларини меҳр билан битиб қўяди. Шундай улкан эҳтиром ва эътирофга сазовор бўлган инсонларни ўқитувчилар ва мураббийлар байрами билан

# Тошкент вилояти ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

## чин дилдан ТАБРИКЛАЙДИ!





*Устозу муаллимлар фарзандларимизга турли илму ҳунар сирларини ўргатиш билан бирга, она табиатни ҳам қай даражада қадрлаш ва муҳофаза қилиш кераклигини ҳар лаҳза уқтириб туришни унутмайдилар.*

**Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам мураббийлар!**

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

***Юртимизнинг турли бурчакларида ўзларининг ғоят машаққатли ва шарафли вазифаларини адо этаётган барча устоз-муаллимларни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий табриклайди!***



*Мустақиллик йилларида шахсан Юртбошимиз ташаббуси ҳамда ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли бизнинг туманимизда ҳам эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. 175 та мактабда 77300 нафардан ортиқ, 18 та мактабгача таълим муассасаларида мингга яқин ўқувчи-болалар илму одоб сирларини ўрганишмоқда.*



*Айниқса, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, 2004-2009 йиллар давомида қишлоқ мактабларида таҳсил кўраётган ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун 52 та спорт зали, 48 та баскетбол, 172 та волейбол, 104 та қўл тўпи, 142 та футбол, 50 та мини-футбол майдончалари қуриб битказилди. 80 та мактаб янгидан қурилиб, фарзандларимиз замонавий ўқув масканларига эга бўлишди. Буларнинг барчаси шак-шубҳасиз, истиқлол шарофати туфайлидир.*



**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!**

ИБРАТ

# ПОЛВОН ҲИММАТИ

Бекобод тумани халқ таълими бўлимидан олинган маълумотга кўра, шу йилнинг ўзида туманда Олимжон Бобоев раҳбарлик қилаётган «Истиқбол» фирмаси томонидан иккита янги мактаб қуриб, фойдаланишга топширилган. Туманнинг барча мактаблари тўла-тўкис таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланди. Айниқса, спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани хайрлидир. Жумладан, ўндан ортиқ мактабларга спорт майдончалари ҳамда заллар қурилиб, замонавий жиҳозлар ўрнатилган. Бу борада айниқса, Хос қишлоғидаги 38-сонли Ҳамид Олимжон номли умумтаълим ўрта мактабида амалга оширилаётган



ишлар ибратлидир.

— Бу каби шарт-шароитга эга бўлган мактабларда фақатгина сидқидилдан ишлаш ва ўқиш керак, холос, — дейди биз билан суҳбатда **38-сонли мактаб директори Юсуфжон Тожибоев.**

Яна бир қувончли жиҳати, Хос қишлоғи азалдан полвонлар гўшаси. Мўмин Деҳқонбоев, Абдужалол Донабоев, Азимбой Маҳкамов, Бахтиёр Уришбоев сингари кўплаб номдор спортчилар етишиб чиққан бу ердан. 38-сонли мактабни кўп йиллар аввал битирган, узоқ вақт Ўзбекистон давлат циркида оғир атлетика бўйича турли спорт ўйинлари иштирокчиси бўлган, ҳозирда эса кексалик гаштини сураётган полвон Умрқул Абдумажидов яқинда ўзи ўқиган илм даргоҳида «Полвонлар майдони» мусобақасини ўтказди. Спортнинг тош кўтариш, узоққа сакраш, югуриш турлари бўйича ўтказилган беллашув ғолиблари Умрқул полвон томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Шу куни полвоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ «Юртнинг полвони» деб номланган Эгам Малик қаламига мансуб китобнинг ҳам тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, Умрқул полвон Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан қадрдон мактабига ўзининг махсус совғасини ҳам топширди.

**Т. НОРМАТОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

*«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрами баҳонасида бугун сизларни йўқлагувчилар кўп. Улар орасида бундан анча йиллар қўлингизда таҳсил олиб кетганлар ҳам, кечагина мактабни тамомлаб, мустақил ҳаётга учирма бўлганлар ҳам, эндиликда ўқувчингиз сифатида сизнинг меҳр тўла нигоҳингизга ҳайрат билан тикилиб, бутун вужуди билан сизни тинглаётган ўғил-қизларингиз ҳам бор. Уларнинг барчаси сиз учун бирдай азиз. Сиз улар учун ҳар доим меҳрибон Устозсиз!*



# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ



*жамоаси барча тарбиячи-устозларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Беғубор қалбингизни болажонларга таълим-тарбия беришдек савобли амални адо этишга бўлган иштиёқ ҳеч қачон тарк этмасин! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

## Тошкент шаҳридаги 12 -автокорхона маъмурияти

**“Д” тоифали ҳайдовчиларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

**Ойлик маошлар қуйидагича:**
Ҳайдовчилар учун 450 000 дан юқори.



Қуйидаги манзилга
мурожаат қилишингиз мумкин:

# ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ!

**“Мерседес бенц О-405” русумли автобуслар кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда:**

1. Гараж №214 давлат номери 10 АВ 843
2. Гараж №218 давлат номери 10 АВ 884
3. Гараж №221 давлат номери 10 АВ 135
4. Гараж №222 давлат номери 10 АВ 837
5. Гараж №231 давлат номери 10 АВ 839
6. Гараж №235 давлат номери 10 АВ 931

Кимошди савдоси 1 октябрь куни ўтказилади.

Тошкент шаҳар 12-автокорхона маъмурияти.

**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 12. Телефон: 258-68-53, 258-80-26**

*Донишманддан сўрадилар: «Устоз учун энг юксак мукофот, энг қимматбаҳо совға нима?» Донишманд жавоб берди: «Шогирдининг камолини кўрмоғи, энг юксак мукофот бўлса, шогирдининг одамларга кўрсатган эзгу амаллари, яхшиликлари энг бебаҳо совғадир».*



**Чиндан ҳам, фарзандларимиз камоли сизнинг фидокорона меҳнатингиз, сабр-тоқатингиз меваси. Улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида ўз ўринларини топиб, эл-юртга, ишига камарбаста эканлигидан чексиз қувонасиз. Улар ортидан келаётган илиқ хабарлар, ташаккур ва эҳтиромлар сизнинг кичик кўнглингизни тоғдай кўтаради. Айниқса, касб байрамида шогирдларингиз йўқловларидан бошингиз осмонга етади.**

**Азиз устозлар! Касб байрамингиз муносабати билан**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР БЕКТЕМИР ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

**сизларни чин юракдан муборакбод этади. Жисму жонингизга саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, қалбингизга осойишталик, фаолиятингизга яратувчанлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ



*ёш авлодни маънан баркамол, юксак тафаккур эгалари қилиб тарбиялашдек энг эзгу ва олий вазифани фидойи меҳнатлари, беқиёс меҳру муҳаббати ва улкан салоҳият билан адо этиб келаётган барча ўқитувчи, устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.*

Филология фанларига ихтисослаштирилган ушбу мактабда 63 нафар малакали ўқитувчи ва 20 нафар моҳир тарбиячи 1043 ўғил-қизларга ихтисослаштирилган фанлар: рус тили, она тили ва адабиёти, инглиз тилидан чуқур билим бериб келмоқда. 2009–2010 ўқув йилидан эса бошлаб 2- ва 5-синф ўқувчилари учун француз тили, 3–4 синфларда эса немис тили фанлари ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилади.



***Шунингдек, бу мактабда мавжуд компьютер, мусиқа, миллий кураш ва бошқа спорт тўгаракларида тажрибали устоз ва мураббийлар машғулот олиб боришади.***



Азизу муҳтарам маърифат ва зиё улашувчи устозлар! Яна бир бор барчангизга оилавий бахт, соғ-омонлик тилаймиз.

**Илм чироғини ёқиб,**
**ҳар доим**
**Ҳаёт сабоғидан берасиз**
**таълим,**
**Сиз ила йўлимиз равон,**
**чароғон**
**Минг тасанно сизга, устоз-**
**муаллим!**



*«Устоз — отангдек улуғ» дейдилар. Унинг буюклиги шундаки, ўқитувчи, мураббий нафақат ҳамма ва ҳар кимга зиё улашади, балки таъбир жоиз бўлса, ўзининг юрагида ҳам илм, маърифат, одоб-ахлоқ, донолик чироғи доим ёниқ туради.*

**Сиз таратган зиё ҳамиша кўнгилларни нурафшон этаверсин! Ўсиб келаётган баркамол авлоднинг соғлом, етук, оқил ва албатта бахтли бўлмоғи йўлидаги барча меҳнатларингиз учун ташаккур, азиз устозлар!**






**Барчангизга ўқитувчилар ва мураббийлар куни муборак бўлсин!**

*Юнусобод туман халқ таълими бўлими*

НИГОҲ

# ТИЛЛОЛАРГА АЛИШМАСМАН, ТУПРОҚЛАРИНИ

У ҳақда нимадир демоқни узоқ ўйладим. Ёзай десам, кўздай болалик ўртоғим, синфдошим, ёзмай десам, уни измига бўйсундирган ҳаёт пўртанаси бошқаларни ҳам оқизиб кетиши мумкин. Ниҳоят...

У ота -боболари томир отган қишлоқда баобрў оилада ўсиб, улғайди. Эҳтимол унинг ўзи, фарзандлари, невара-чеваралари неча йиллар шу қишлоқнинг кўркига кўрк қўшиб юриши мумкин эди. Лекин у ҳам кўплар сингари пул, мол-дунё тўплаш, мансаб талашиш деб аталмиш бехосият «пойга»га қўшилди.

Биз мактабни тугатгач, иккита шаҳарда ўқишни давом эттирдик. Қишлоққа борганимда унинг ҳам институтни тугатганини, уйланганини, шаҳарда ишлари юришгандан юришиб бораётганини, яқинда сотиб олган машинасида келиб кетганини айтишди.

Кейинги сафар унинг амал поғонасидан юқорилагани, яп-янги машинасини тўхтатмасдан қишлоқ кўчасини чангитиб ўтиши ҳақида эшитдим. Биз синфдошлар эса ҳануз усиз ҳам тоғ сайрига чиқиб, қизғин суҳбат қурардик. Чунки у бизга сафардош бўлолмасди. Чунки унинг янги русумдаги машинасида тошли сўқмоқлардан тоққа чиқиб бўлмасди. У пиёда юришни унута бошлаганди.

Ҳа, у кўп нарсани унутди: мансаб одамга боғлаб берилмаслиги, беҳисоб пулга ҳар нени сотиб олиб бўлмаслиги, бир кун пешонаси деворга «тақ» этиб урилишини...

Унинг барвақтроқ нафақага чиққанини, бир оз ҳовуридан тушганини эшитгандим. Яқинда ўзи телефон қилиб, мени ишхонамиз ёнидаги хиёбонга чақирди. Қарийб қирқ йилдан буён кўришмаган синфдошим билан учрашишга ошиқдим. Агар хиёбонда одамлар кам бўлмаганида, уни таний олмасдим. Қучоқлашиб кўришдик. Бўш ўриндиққа ўтириб, қизғин суҳбатга киришдик. Синфдошлар, ўқитувчиларимиз, ҳамқишлоқларни эсга олдик. Гурунгимиз мавзуси оилага кўчди. Унинг гапларини эшитарканман, гоҳ ажабланиб, гоҳ ўйга толардим. Ўзининг айтишича, катта ўғли хорижда ўқиб юрган пайтида немис қизга уйланибди, ҳозир Австралияда эмиш.

— Қизим ҳам келиб чиқиши немис бўлган йигитга турмушга чиқди. Эри билан АҚШда истиқомат қилаяпти. Лекин кичик ўғлим ўзбечкага уйланди, ошна, ҳозир улар Англияда, — деди у кибру ҳаво билан.

Энг даҳшатлиси, дўстим хотини билан ажрашибди. Она-да, қизи билан бирга яшаш учун хорижга кетибди. У эса бир ўғли, бир қизи бор жувонга уйланибди. Тасодифни қарангки, ўша аёлнинг ўғли ҳам оиласи билан Францияда яшармиш, қизи эса...

Мен шу лаҳзада «ўхшатмагунча учратмас», деган халқ нақли бежиз айтилмаганига яна бир карра амин бўлдим. Ахир, тасаввур қилаяпсизми, юз йиллар давомида қишлоқда яшаб, томир отган бир шажаранинг илдизи шу синфдошимга келиб қуриди.



Унинг кейинги сўзларини эшитиб ёқамни ушладим: «Эсингдами, туманимизда биринчилардан бўлиб отамни ҳажга жўнатувдим. Ўшанда, биласанми, бобой эсон-омон қайтгач, зўр зиёфат бердим. Шу куни дўстлар билан «отавериб», ўзим ҳам ўчиб қолибман. Эрталаб отамдан роса сўкиш эшитдим. Шу-шу ичкиликниям ташлаб кетдим, ўртоқ. Энди...» Қолган сўзларини эшитмадим. Энди мен унга — қирқ йил кўришмаган ўртоғимга тилимнинг учида турган аламли гапларимни очиқчасига айтиш фойдасизлигини тушунган эдим. Шу боис ҳар биримиз, энг аввало, ўзимиз туғилиб ўсган гўша қадрига етайлик. Шу жойни муқаддас билиб, қадрига етсак, ундан кейингина ўзлигимизни англаймиз. Бежизга, «Ҳар жойни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу» дейилмаган. Бу дунёнинг оддий ҳақиқатини унутмайлик, савобга яраша савоб, гуноҳга яраша гуноҳ ёзиб қўйилган. Тупроғи тиллоларга тенг юртдан айрилмайлик.

**Асрор МЎМИН**


## «TO‘RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**"Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг, юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!"**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

**I. Лицей ва касб-ҳунар коллежларига тайёрлаш бўлими.**

5-6-7-8-9-синф ўқувчиларини **(Вестминстер дипломатия, ҳуқуқшунослик...)** лицей ва коллежларга тайёрлаш;

**II. Ўзбекистон олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (Олий милиция мактаби, божхона институти, ҳуқуқшунослик институти, ТДИУ...)**

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиш: Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, кимё, биология.

**III. Чет эл олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (АҚШ, Англия, Австралия, Япония, МДҲ, ...)**

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиш: Техника йўналиши: (математика, физика, инглиз тили, кимё, биология).

2. **TOEFL** дастури (АҚШ программаси асосида, тилни билувчилар учун)

3. **AITC** дастури (Англия программаси асосида, тилни билувчилар учун)

**IV. Хорижий тилларни ўрганиш бўлими ( гуруҳда 12 киши)**

1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи **(50 000 сўм)**

2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили **(100 000сўм)**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар куни соат **09:00 дан 17:00 гача.** Ўқув маркази раҳбарияти **дарсларнинг сифатини кафолатлайди.** Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

**МАНЗИЛ:** «Хадра» меҳмонхонаси, 6-қават.
**МЎЛЖАЛ:** Тошкент давлат цирки биноси ёнида. **ТЕЛ:** 244-26-09.


## УСТОЗ ШУНДАЙ БЎЛАДИ!

Жорий йилда пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 69-ўрта мактабда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика танлови бўлиб ўтганди. Вилоятлардан мана-ман деган, ўз фанининг ҳақиқий билимдонлари мактабга жам бўлишди. Улар орасида кекса бир ўқитувчи эътиборимни тортди. Оқ халат кийиб, турли кимё ашёларини кўтариб юрган бу муаллимни аввалига танлов иштирокчиси деб ўйладим. Кейин билсам, Жиззах вилояти Жиззах тумани 31-мактабда ўттиз йиллик педагогик тажрибага эга олий тоифали кимё фани ўқитувчиси Ҳодихон Ҳомидов бу танловга шогирди, 8-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Шаҳноза Салоҳиддиновага ассистентлик қилгани келибди...

Бу инсоннинг барча зарур юмушларни ташлаб, яқин бир ҳафта давомида шогирдига хайрихоҳ бўлиб, унинг ёнида турганидан, маънавий, руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганидан ҳайратландим. Шунда шогирд ҳар қандай илм чўққисини эгалласа ҳам устоз унинг келажагига, фаолиятига масъул эканлигини ҳис этдим.

**Қаҳҳор АЛИЕВ,**
**нафақадаги ўқитувчи,**
**Тошкент шаҳри.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

**Мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни қутлуғ байрамлари муносабати билан чин юракдан қутлайди!**

**Фарзандларимизга илм-маърифат сабоқларини ўргатишдек савобли ишларингизда ҳамиша муваффақият ёр бўлсин.**



*Ҳар бир эзгу сўзини дилларга жо қилган, ўқувчилар камолидан кўзи қувнаган муҳтарам устоз ва мураббийларни*

# ТОШКЕНТ ШАҲАР СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ



*касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади. Сермашаққат, аммо самараси кўнгилларга енгиллик бахш этувчи, илму-урфон, одоб-ахлоқ, билим ва тафаккур туғини ҳамиша сарбаланд тутувчи касб — ўқитувчиликдир. Ушбу шараф ҳамиша йўлдошингиз бўлсин, муҳтарам устозлар!*

***«Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан кун ортар, умрларини шавқ ва роҳатда кечирурлар», дейилади Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд Ахлоқ» асарида. Таъбир жоиз бўлса, энг қаноатли, демакки, энг бахтли инсонлар ҳам аслида — устоз, муаллимлардир. Азизлар, таълим-тарбия йўлидаги барча меҳнатингиз, фидойилигингиз, яратувчанлигингиз учун Сизга ташаккур!***




## Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами муборак бўлсин!

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

ТААССУФ

# ТОМОШАДАГИ «ТОМОША»ЛАР

## ёки қачон ҳақиқий мухлис бўла оламиз?

...Ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги муҳташам "Истиқлол" санъат саройида халқимиз кўнглидан жой олган маданият ва санъат соҳаси намоёндаларининг муборак хотирасига бағишлаб тайёрланган хайрия концерти бўлиб ўтди. Албатта, ташкилотчилар ва ҳамкорлар бу савобли кечани кўнгилдагидек ташкил этишга ҳаракат қилишган. Номлари юракларимизда муҳрланган инсонларнинг телевидение архивида сақланиб қолган ижод намуналари намойиш этилиб, уларнинг муносиб шогирд ва издошлари — фарзандлари севимли ижодкорларини соғинган кўнгилларга баҳоли қудрат таскин бағишлашди. Лекин...



Минг афсуски, ўша куни ҳам аксарият концерт-томашаларда рўй берадиган одатий ҳол такрорланди: тадбир бошланса-да, жой қидириш, шовқин-сурон, арзимаган баҳонада кириб-чиқишлар узлуксиз давом этаверди. Бир томонда аёллар ўзи билан олиб келган эмизикли чақалоқлар дам ўтмай йиғлай бошлади, бошқа ёқда ҳали етти ёшга ҳам тўлмаган, бувилар етовида келган болалар хархашаси... Кап-катта йигит-қизларнинг ортиқча ҳатти-ҳаракатларини эса қандай баҳолашни ҳам, изоҳлашни ҳам билмайсан, киши.

Бу ҳам етмагандай яна бир кўнгилсиз ҳолат эътиборимизни тортди: машҳур санъаткор ўз сафдошларидан бири билан боғлиқ ёруғ хотираларини тўлқинланиб сўзлаётганида, айрим инсофини унутган томошабинлар ноўрин қарсаклари билан унинг гапини бўлиб туришди. Бундай одобсизликни тушунган севимли актёримиз жонли ҳикоясини тугатолмай, саҳнани тарк этди. Қизиқ, сабр-тоқати бир ҳаётий воқеани эшитишга етмаётган мухлислар тоифаси қаердан пайдо бўлаяпти ўзи?

Ёки энг сўнгги манзарани қаранг: хайрия концерти иштирокчилари руҳлари шод этилган инсонларга бағишлаб "Унутмоқ осонмас сизларни" қўшиғини жўр бўлиб ижро этаётганида ва бошловчилар тадбир иштирокчиларини таништираётганида... ишонасизми, шундай каттакон залда саноқлигина мухлислар қолган эди!

Ҳа, бир мазза қилиб дам оламан, кўнглимни чоғ қиламан деган ниятда концертга келган чинакам мухлисларни ҳар доим ҳақли бир савол қийнайди: хўш, концерт чиптада белгиланган вақтда бошланган бўлса, нега масъуллар томоша зали эшикларини ёпиб қўйишмайди? Балки театр ёки цирк дастурлари намойишидагидек қатъий тартиб-қоида (учинчи қўнғироқдан сўнг кириб-чиқиш тўхтатилади)ни концерт залларида ҳам қўллаш вақти келгандир? Ана шундагина биз, энг аввало ўз қадриятларимизга мос келмайдиган одатлардан қутулиб, ҳақиқий мухлис деган баҳога муносиб ҳолда, юқоридаги каби савобли концертларда бошқача "томошалар"га ўрин қолмасди. Сиз бунга нима дейсиз?.

**Мавлуда РАУПОВА,**
**журналист.**




## ЎЗИМ АЙБДОРМАН

«Қизим Замирани атак-чечак бўлиб юра бошлаганиданоқ бувиси аммасининг 5 ёшли ўғли Умидга «бешкетти» (қулоғини тишлатиб) қилиб қўйганди. Қайнонамга ётиғи билан «болалар вояга етаверсин-чи», дегандим. «Нима, икки боламнинг қуда-анда бўлишига қаршимисиз?» — дея сўзида туриб олди. Шу-шу ҳайиту байрамларда канда қилмай, аммаси қизимни йўқлайдиган бўлди... Болалар вояга етгач, Умиднинг кўнгли бошқа қизда бўлишига қарамай, катталар бош бўлиб, рисоладагидай тўй қилиб, Замирага уйлантиришди. Биз она-боланинг кўз ёшимиздан бошқасига кучимиз етмади. Кўнгилни мажбурлаб бўлмас экан. Улар битта қизчали бўлгач, ажрашиб кетишди. Ҳозир неварам 1-синфда ўқийди.

Қизимнинг **ёши 30 да.** Маълумоти ўрта-махсус. Унинг тақдирига, бошига тушган кўргуликларга ўзимни айбдор деб ҳисоблайман. Қайнонамга, отасига тиш-тирноғим билан қарши турсам бўларди-ку, дейман. Энди эса... Пушаймонликдан фойда йўқ, бор умидим сизлардан.

**Ойбуви хола,**
**Сурхондарё вилояти».**

## ОНАМ ҲАЁТ БЎЛГАНИДА...

«Онам болалигимда вафот этган. Ўгай онанинг қош-қовоғига қараб, эмин-эркинлик нималигини билмай, вояга етдим. Қишлоқдошим Сурайёга уйландим. У ўгай онамнинг ўтидан кириб, сувидан чиқса ҳам, онам уни эл қилмади. Менга қилган зуғумини унга ҳам ўтказа бошлади. Қизчалик бўлдик. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Бола йиғлаб-йиғлаб катта бўлади, деб унга соатлаб ҳам қарашга рухсат бермасди. Норасида гўдак шу зайлда йиғлай-йиғлай чарчаб, ухлаб қоларди. Бора-бора қизимизнинг боши касалдан чиқмай қолди. Сурайёнинг тоқати тоқ бўлиб, «ўгай дегани, вой-вой дегани шу экан-да, ортиқ чидолмайман, ортимдан борманг», деб отасининг уйига кетиб қолди. Онажоним ҳаёт бўлганида шу кўргуликлар бошимга тушмасмиди? Яқинда эшитсам, у бошқага турмушга чиқибди. Нима қилай, пешонамда бор экан-да. Яхшигина ҳунарим бор. **Ёшим 32 да.** Мени тушунадиган, меҳрибон аёлга уйланиш ниятидаман.

**Анвар,**
**Навоий вилояти».**

## БИР СУЯНЧИҚ КЕРАК ОДАМГА

«Эркак киши ёши бир жойга борганда ёлғиз қолмасин экан. Умр йўлдошим Зумрад бебаҳо аёл эди. У билан кечган қирқ йиллик умрим давомида бир-биримизга суянч бўлиб яшадик. Мен ишлаб келсам, у болаларни оқ ювиб, оқ тарарди. Бирдан кам, бирдан ортиқ, қора қозонимиз қайнаб, борига қаноат қилиб, тинч-тотув яшардик. Болаларни уйли-жойли қилиб, энди ҳузур-ҳаловат кўраман, деганда унга бедаво дард ёпишди. Уч йил ётиб қолди. Ёнидан жилмадим. Унинг жони узилган куни дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Болаларим атрофимда парвона. **63 ёшдаман.** Лекин барибир кексайганда ёнингда бир маҳрам бўлмаса, қийин экан. Иссиқ жоннинг турли ташвишлари бор. Шундай пайтда бир ҳамдардга эҳтиёж сезиб қолар экансан киши.

**Норбой ота,**
**Хоразм вилояти».**

**Муҳтарам муштарийлар! Ушбу сондаги қўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.**


# «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.**

Ўқишга қабул ҳар куни

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Педикюр, маникюр** — 1 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёти билан**
■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.



**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 234-25-46**
**Котибият: 233-04-35**
**Реклама бўлими: 233-04-50**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169-**рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 932. Формати А-3, ҳажми 6 табоқ. Адади – 9223
Навбатчи — **Шаҳноза РОФИЕВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

ISSN 2010–7609

2 3 4 5


**E-mail:** oilavajamiyat@sarkor.uz